Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
26-noyabr
payshanba

№ 43 (4481)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz/@postdarasmiy

ИСЛОҲОТЛАР – АМАЛДА

## «102» АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ МАРКАЗИ

### тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади



**Фарғона вилояти ИИБда «102» автоматлаштирилган ахборот маркази иш бошлади. Марказнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи, сенатор Хайрулло Бозоров, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, ички ишлар органлари фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.**

Вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Дониёр Тошхўжаев меҳмонларни янги марказда яратилган шароит ва қулайликлар, бу ерда ўрнатилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ишлаш жараёни ва имкониятлари билан таништирди.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, Президентимизнинг 2019 йил 29 майдаги қарорида соҳа ходимлари олдига жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш вазифаси юклатилган эди. Қарор ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган режада дастлабки босқичда ИИВ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ИИБлари ҳамда Фарғона вилояти ИИБда «102» тизимини жорий этиш кўзда тутилганди.

*(Давоми 2-бетда).*



ИШЧИ ГУРУҲ ФАОЛИЯТИДАН

# ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ЖИЛОВЛАШ – МУҲИМ ВАЗИФА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов бошчилигидаги ИИВ, Миллий гвардия ва Бош прокуратура масъул ходимларидан иборат идоралараро ишчи гуруҳ томонидан жорий йилнинг 12–14 ноябрь кунлари Сурхондарё вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ўрганиб чиқилди.**





Ишчи гуруҳ ўрганишлари якуни бўйича вилоят ҳокими Тўра Боболов иштирокида йиғилиш ўтказилди. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда «Обод маҳалла – хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ҳамкорликда амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди.

Ҳудудлар бўйича масъул ходимларнинг ҳисоботлари тингланди. Жиноятчиликни жиловлаш борасида камчиликка йўл қўйилаётган ҳудудларда ички ишлар органлари, маҳалла, миллий гвардия ва бошқа тегишли идора ва ташкилотларнинг жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича вазифаларига доир тақдимоти намойиш этилди. Маҳалла ва бозор ҳудудларида қайд этилган жиноятларнинг асл сабаблари муҳокама қилинди. Бу борада жиноятчилик кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлган Денов, Жарқўрғон ва Шеробод туманларида вазиятни ижобий томонга ўзгартириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Аёллар, уюшмаган ёшлар томонидан, шунингдек, маст ҳолатда жиноят содир этилишининг олдини олиш, нотинч оилаларда соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш ва ишсизликни камайтириш бўйича жорий йил якунига қадар ҳамда 2021 йилнинг биринчи чораги мобайнида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўшимча патруль йўналишларини ташкил этиш, уларнинг мол-мулкига қаратилган жиноий тажовузларнинг олдини олиш, хонадонларни қўриқловга олиш, видеокузатув мосламалари сонини кўпайтириш каби қатор вазифалар белгиланди.

Муҳокама давомида кўриб чиқилган муаммоли масалалардан келиб чиқиб, вилоятда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича **«Сурхондарё тажрибаси»**ни амалиётга татбиқ этиш юзасидан тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Ташриф давомида Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант П.Бобожонов Шеробод тумани Ички ишлар бўлими ҳамда Термиз шаҳар ИИОФМБнинг қайта таъмирланган биноларини кўздан кечирди ва бу ерда яратилган қулайликлар, шарт-шароитлар билан танишди. Ходимлар билан суҳбатлашиб, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилган ҳолда жиноятчиликни жиловлаш, унинг барвақт олдини олиш ҳамда халқ ишончини қозониш бўйича зарур кўрсатма ва тавсияларни берди.

Генерал-лейтенант П.Бобожонов ташриф чоғида ёшлар билан суҳбатлашиб, бошқармага вазирлик томонидан 10 миллион сўмлик бадиий адабиётлар ҳамда шу ернинг ўзида яқинда бўлиб ўтган «Амир Темур авлодлари» ва «Жалолиддин Мангуберди ворислари» кўрик-танловида фахрли ўринларни қўлга киритган 3 нафар ходимни вазирликнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирлади.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

ИСЛОҲОТЛАР – АМАЛДА

# «102» АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ МАРКАЗИ

## тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Шунга асосан, айни пайтда Фарғонада мазкур автоматлаштирилган тизим сифатли даражада йўлга қўйилди.

– «102» ахборот марказининг иш бошлаши аҳоли учун катта қулайликлар яратади, – дейди вилоят ИИБ бошлиғининг матбуот котиби, лейтенант Исмоилжон Шарипов. – Эндиликда барча уяли алоқа компаниялари, алоқа тармоқлари, SOS терминалларидан тушадиган хабарлар бевосита шу марказда қўнғироқларни қабул қилиш ва тақсимловчи «call-center» операторлари томонидан қабул қилинади. Натижада ички ишлар органлари ходимларининг тез фурсатда ҳодиса жойига етиб бориши, тергов-тезкор гуруҳининг ўз вақтида чиқиши ҳамда ҳар бир ҳолатга тезкор аниқлик киритиш ва вазиятларни бошқариб туриш имконияти пайдо бўлди. Айтганча, «call-center»да мурожаат қилувчи шахсларга психологик ёрдам кўрсатиш ҳамда юридик маслаҳатлар бериш учун тегишли мутахассислар фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Янги «102» марказини тўлиқ автоматлаштириш ва инсон омилини камайтириш мақсадида у геоахборот тизимига уланди. Қолаверса, марказ замонавий мебель жиҳозлари билан таъминланиб, ходимларнинг ишлаши ва дам олиши учун муносиб шароит яратилди. Шунингдек, марказда амалий ва электрон ўқ отиш машғулоти майдони ташкил қилинди.

Мазкур марказ, энг аввало, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, халқ манфаатларига, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.





**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# УНИНГ МЕЗОНИ – АДОЛАТ





Эрталаб соат 7:00 да ички ишлар бўлимига кириб келган майор Баҳодир Шоймардонов навбатчилик қисмидаги ходимлар билан сўрашаркан, вазият билан қизиқди. «Ҳаммаси жойида», деган гапни эшитиши билан хотиржам бўлди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, кунлик тартибга мувофиқ, тонгги йиғилишни ўтказди. Бу жараёнда тунги хизматдан қайтган профилактика инспекторларининг ҳисоботини тинглади, шунингдек, ишни бошлаётганларга топшириқлар берди. Хусусан, куни кеча юз берган ўғрилик бўйича суриштирувни ташкил этиш юзасидан тавсиялар берди.

Жиноят юз берган вақтда Тошкент – Термиз йўлининг Шароф Рашидов тумани ҳудудидан ўтган қисмида ҳаракатланган кумуш рангли «Nexia»нинг эгалари суриштирилди. Натижада мазкур жиноят Самарқанд вилояти Жомбой туманида яшовчи 3 нафар фуқаро томонидан содир этилгани аён бўлди. Хуллас, яна бир жиноят «иссиқ изида» фош қилинди. Умуман олганда, Шароф Рашидов тумани ИИБ 8-сонли ички ишлар бўлинмаси бошлиғи, майор Баҳодир Шоймардонов 21 йилдан буён шу тарзда яшайди. Одамлар тинчлигини асраш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш йўлида тиним нималигини билмайди.

У соҳадаги фаолиятини 1999 йилда Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида бошлаган. Кейинчалик шу туман ва вилоят ИИБда турли лавозимларда фаолият юритди.

2017 йилдан буён Ш. Рашидов туманидаги 8-сонли ички ишлар бўлинмасига раҳбарлик қилаётир. Айни вақтда у қўл остидаги профилактика инспекторлари ҳамда жиноят қидирув бўлими ходимлари билан 58 минг фуқаро истиқомат қиладиган Хайробод, Шариллоқ, Катта қишлоқ, Ёшлик, Туёқли, Файзобод, Оқтош ота, Қора янтоқ, Олмачи, Пастки сўлоқли, Халқобод ҳамда Бобур номли маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул.

Майор Баҳодир Шоймардоновнинг узоқ йиллар жиноят қидирув соҳасида фаолият юритгани ҳудудда қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятларни қисқа вақтда очишда қўл келмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 2019 йилни жорий йилнинг мос даври билан қиёслаганда, 8-сонли ички ишлар бўлинмасига қарашли аҳоли пунктларида жиноятлар содир бўлиши 20 тага камайган.

– Шахсий таркибимиздаги барча профилактика инспекторлари хизмат уйлари ҳамда имтиёзли кредит асосида автоулов билан таъминланган, – дейди майор Баҳодир Шоймардонов. – Бу эса чақириқ жойига тезлик билан етиб бориш имконини беради. Бу йил шахсий таркиб қулай шароитларга эга янги маъмурий бинога эга бўлди. Бу ўзгаришларнинг барчаси фаолиятимизни янада такомиллаштиришга ундамоқда. Сектор масъули сифатида кам таъминланганларга иккинчи экин экиш учун ер ажратиш, пандемия шароитида қийналиб қолганларга ижтимоий кўмак кўрсатиш чораларини кўрмоқдамиз. 160 кишини ишга жойлаштиришга муваффақ бўлдик. Таъкидлаш керак, аҳолининг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган ушбу тадбирларнинг барчаси ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда қўл келаяпти.

Яқинда майор Баҳодир Шоймардонов Президентимиз фармонига биноан, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Соҳада ўз ўрнига эга, ишининг моҳир устаси, ташкилотчи ва ватанпарвар раҳбарнинг бу ютуғи Шароф Рашидов тумани ички ишлар органлари тизимида катта қувонч билан қарши олинди.

– Бу мукофот шу ҳудудда сидқидилдан хизмат қилаётган, халқ осойишталигини ҳамма нарсадан устун қўядиган барча ички ишлар органлари ходимларига берилган баҳо деб ўйлайман, – дейди майор Баҳодир Шоймардонов. – Президентимиздан, вазиримиздан чексиз миннатдорман. Бу рағбат мени янги-янги зафарлар, ютуқлар сари етаклаб, доимо олға юришга ундайди. Бу ишончни ҳалоллик ва шараф билан оқлашга интиламан.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Жиззах вилояти.*

# БАРЧАСИ БОЛАЛИКДАН БОШЛАНГАН





Кундан-кунга кўркамлашиб бораётган Сирдарё вилояти Ховос тумани «Афросиёб» маҳалла фуқаролар йиғинида жорий йил бошидан буён битта ўғрилик жинояти содир этилди. Мазкур жиноят ҳам ички ишлар органлари ходимларининг тезкор саъй-ҳаракатлари натижасида «иссиқ изида» фош этилди...

Ховос тумани ИИБ ҲПБ 158-ички ишлар органлари таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Тўлқинжон Худойбердиев айнан шу маҳалла фуқароларининг тинчлиги ва осойишталигига масъул. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сардор Бобожонов ҳамда маҳалла фаоллари ҳамжиҳатликда фаолият олиб бориши натижасида бу борада кўплаб ижобий натижаларга эришилмоқда.

Ҳудудда истиқомат қилаётган 2315 нафар аҳолининг 885 нафари ёшлардан иборат. Бу, ўз навбатида, ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

– Ёшларнинг келажакда ўз ўрнини топиши ҳамда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишга эришиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан саналади, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси С. Бобожонов. – Ёшлар билан ишлаш, одамлар қалбига йўл топишда Тўлқинжондаги педагогик маҳорат қўл келяпти. Аҳоли билан ўтказиладиган мулоқотларда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, фуқароларни иш билан таъминлаш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш борасида қилинаётган ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларнинг ижобий натижаси бизни янада руҳлантирмоқда.

Лоқайдлик бор жойда муаммолар бўй кўрсата бошлайди. Профилактика катта инспектори маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаронинг қувонч ташвишини юракдан ҳис этсагина одамлар ишончини қозониши мумкин.

Пандемия даврида аҳоли ўртасида тарғибот тадбирлари ўтказилиб, одамлардан карантин қоидаларига амал қилиш талаб этилди. Т. Худойбердиев хизмат олиб бораётган ҳудудда 300 нафарга яқин карантин қоидаларини бузган шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Т. Худойбердиев Гулистон давлат университетининг тарих факультетида ўқиган. Ўқишни тугатиб, ҳарбий хизматдан қайтгач, Ховос тумани ИИБ ҲПБда дастлабки хизмат фаолиятини бошлади. «Мустақиллик», «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинларига хизмат кўрсатувчи профилактика инспектори лавозимларида ишлаган кезлари ушбу ҳудудларда жиноятчилик сони сезиларли равишда камайди. Ўтган йиллар мобайнида устоз-мураббийларидан касбнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштириб, ўзига хос ҳаётий тажрибага эга бўлган Тўлқинжон Худойбердиевдаги ғайрат-шижоат, интилиш, касбга садоқат раҳбарият эътиборидан четда қолмади. У ўтган йилнинг декабридан ҳозирги лавозимида фаолият олиб бораяпти.

Халқ тинчлиги, осойишталиги ва равнақи йўлида амалга оширилган эзгу саъй-ҳаракатлар доимо муносиб қадрини топади. Т. Худойбердиевнинг ҳам элимиз хотиржамлигини асрашдаги фидойилиги давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. Майор Т. Худойбердиев Президентимиз фармонига биноан, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

– Устозларимнинг панду насиҳатлари, йўл-йўриқ ва тавсиялари, ҳамкасбларимнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда яқинларимнинг қайноқ меҳри менга куч бағишлайди, – дейди Т. Худойбердиев. – Зеро, кимгадир кераклигини англашнинг ўзи катта бир бахт...

Ўқиш ва изланишдан чарчамайдиган, болалигидан тарихий адабиётлар мутолаа қилишни яхши кўрадиган майор Тўлқинжон турмуш ўртоғи Соҳибахон Худойбердиева билан 4 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказмоқда. Бола асосий тарбияни уйда, ота-онасидан олишига хизмат фаолиятида кўп маротаба гувоҳ бўлган Т. Худойбердиев доимо фарзандларига ўрнак бўлишга интилади.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Сирдарё вилояти.*

ЯНГИ ИБОРАЛАР

*Локдаун – инглизча сўз бўлиб, карантиннинг қаттиқ кўриниши, муҳим корхоналарнинг фаолиятидан ташқари кескин чекловлар ўрнатиш деган маънони билдиради. (Изоляция)*



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

# БИЗ УНИНГ КЎМАГИГА ТАЯНАМИЗ, –

## дейди МФЙ раиси Шохруз Ҳайдаров

**Кейинги йилларда мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида тубислоҳотлар амалга оширилди. Бу жараёнда, айниқса, тизимнинг муҳим бўғини саналган профилактика хизмати фаолиятини такомиллаштиришга, хусусан, маҳаллалар тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидойилик билан хизмат қилаётган профилактика инспекторлари учун зарур шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди.**



«Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 804-сонли ички ишлар органи таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Фаррух Шодиев жорий йилнинг май ойида мазкур таянч пункти профилактика инспектори лавозимига тайинланди. Ўтган қисқа вақт ичида уйма-уй юриб, барча оилаларнинг турмуш тарзини чуқур ўрганди. Муқаддам судланганлар билан алоҳида профилактик суҳбатлар олиб бориш ва уларни ишга жойлаштириш бўйича тегишли ишларни амалга оширди. Бекорчилик туфайли маҳаллада безорилик қилиб юрадиган 6 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Спиртли ичимлик истеъмол қилиб, аҳолининг тинчини бузадиганларни тартибга олиш чораларини кўрди. Кечки пайтлар профилактик рейдларни ўтказиш унинг кунлик ишига айланди.

Қаҳрамонимиз нотинч ва кам таъминланган оилалардан ҳам ўзининг беминнат ёрдамини аямай келаётир. Маҳаллада бўлиб ўтадиган турли тадбир ва маросимларда фаол қатнашиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 850 та хонадон мавжуд. Уларда 3215 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли асосан деҳқончилик ва тадбиркорлик билан машғул. Маҳалла кўчаларининг деярли барчасига кузатув камералари ўрнатилган. Бу жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутмоқда.

– Лейтенант Фаррух Шодиев ўз касбини севадиган, ардоқлайдиган профилактика инспекторларидан бири, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шохруз Ҳайдаров. – Ҳамма ишда фаол, жонкуяр. Имкон қадар барчага ёрдам беришга интилади. Айтганча, яқинда туман ҳокимининг бизнинг ҳудудимизни намунали маҳаллага айлантириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Бу хайрли ишни амалга оширишда, албатта, унинг кўмагига таянамиз.

Аскарлик чоғлариданоқ она Ватан ҳимояси муқаддас бурч эканлигини англаб етган лавҳамиз қаҳрамони ички ишлар органларидаги илк хизмат фаолиятини 2012 йилда ўзи туғилиб ўсган Каттақўрғон шаҳридаги вилоят ИИБ 7-сонли тергов ҳибсхонасида сафдор-ходимликдан бошлади. Шундан сўнг ички ишлар органларида турли лавозимларда хизмат қилди.

– Бу ердаги хизмат фаолиятим давомида билим ва тажрибамни яна бир бор синовдан ўтказаяпман, – дейди лейтенант Фаррух Шодиев. – Айни пайтда берилаётган кенг имкониятлар хизмат вазифамизни муваффақиятли бажаришда катта аҳамият касб этмоқда.

Лейтенант Фаррух Шодиев бугун турмуш ўртоғи Саодатхон билан икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Оиладаги бирдамлик ва тотувлик осойишталик посбонининг машаққатли хизматида унга куч бағишлаётир.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Самарқанд вилояти.*

ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИДА

# МАҲОРАТЛИ СЕРЖАНТ

**Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида нафақат шахсий таркибни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, балки уларнинг касбий маҳоратини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу жараёнда сержантлар офицерларнинг энг яқин ёрдамчиларига айланди. Улар муддатли ҳарбий хизматчиларни тарбиялашда, аскарларга соҳа сирларини ўргатишда муҳим роль ўйнаяпти. Қуйида улардан бири ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.**




Мўминжон Юлдашев йигитлик бурчини Қашқадарё вилоятидаги ҳарбий қисмларнинг бирида ўтади. Хизматдан қайтгач, Нукус давлат педагогика институтининг Жисмоний тарбия факультетига ўқишга киради. Олий ўқув юртини аъло баҳоларга тугатиб, ҳарбийликка бўлган қизиқиши туфайли Гулистон шаҳридаги ҳарбий қисмга шартнома асосида қабул қилинади.

Хизмат фаолияти давомида шарафли ва масъулиятли касбга бўлган меҳри янада ортиб, соҳа сир-асрорларини мукаммал ўрганади. Ўзига топширилган ҳар қандай вазифани сидқидилдан бажаради. Кейинчалик ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли ўзи туғилиб ўсган Қорақалпоғистон Республикасидаги 7553-ҳарбий қисм жанговар гуруҳ командири ўринбосари лавозимида хизмат қилади. Бу ерда ҳам ўзининг жонкуярлиги билан обрў-эътибор қозонган лавҳамиз қаҳрамони аста-секинлик билан хизмат пиллапояларидан кўтарила бориб, ҳозирда Бухоро вилоятида жойлашган 7536-ҳарбий қисмда секция командири вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Ростини айтганда, унинг ғайратига ҳавас қилса арзийди. Чунки у кўл остидаги ҳарбий хизматчилар жанговар шайлигини ва касбий маҳоратини оширишда, ўқув жараёнида назарий билимларни мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатиб келяпти. Шунингдек, ўтказилаётган барча маданий ва спорт тадбирларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Унинг ўз устида изланишлари самара бериб, Қоровул қўшинлари миқёсида ўтказилган «Энг илғор касб мутахассиси» кўрик-танловининг «Энг илғор сержант» номинациясида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

– Агарда кимки яхши ният қилиб, мақсад сари қатъийлик билан интилса, албатта, муродига етади, – дея таъкидлайди Мўминжон.

Лавҳамиз қаҳрамонининг турмуш ўртоғи Гулмирахон бахт тўкис бўлиши учун оила мустаҳкамлиги муҳимлигини яхши билади. Айниқса, сабр-тоқат ва оқилалик, меҳр-муҳаббат ва мулоҳаза билан иш кўриш унинг шиорига айланган. Шу боисдан ҳам Мўминжон билан биргаликда фарзандларини муносиб тарбиялаб, вояга етказишмоқда.

Дарҳақиқат, ҳаётда инсон юксак марраларни кўзлаб, астойдил ҳаракат қилса, албатта, ниятига етишади. Қуролли Кучларимиз сафида кичик сержант Мўминжон Юлдашев каби интилувчан, ўз касбининг фидойилари қанча кўп бўлса, армиямиз шунчалик қудратли бўлиб бораверади.

**Юнусбек ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**капитан.**
*Бухоро вилояти.*

**Ватани борнинг бахти бор,**
**Меҳнати борнинг — тахти.**
*Халқ мақоли*

СОҲАМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

# ҚАЙ ЎҒИЛДАН КАМДИР, АЙТИНГ, ҚИЗИНГИЗ...






**Бугун барча жабҳаларда хотин-қизларнинг юрт равнақи, тинчлиги ва фаровонлиги йўлида эркаклар билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётганини кўриш мумкин. Табиийки, она Ватанга бўлган муҳаббатини фидойи хизматлари орқали намоён этаётган ички ишлар органлари ходимлари орасида ҳам матонатли опа-сингилларимиз кўпчиликни ташкил этади. Бектемир тумани ИИОФМБ 5-сонли ИИБ бошлиғи, майор Дилрабо Шокирова билан суҳбатлашарканмиз, унинг ана шундай фидойи ва жонкуяр ходимлардан бири эканига амин бўлдик.**

У хизмат олиб бораётган «Бинокор» маҳалла фуқаролар йиғинида **6200 нафар** аҳоли аҳил ва иноқ яшаб келмоқда. Ўзбек, тожик, қозоқ, уйғур, корейс, хитой ҳамда бошқа миллат вакилларининг тинч-тотув умргузаронлик қилишида, албатта, осойишталик посбонларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бораётган профилактик тадбирлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳудудда **42 та** корхона ва **17 та** йирик завод жойлашган. Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг қарийб **80 фоизи** корхона ва ташкилотларда фаолият юритади.

Дилрабо Шокирова доимо профилактика катта инспектори, майор Анвар Эргашев, профилактика инспектори, катта лейтенант Азиз Жалилов, профилактика инспектори ёрдамчиси Фазлиддин Аҳроров, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулнора Юсупова ва бошқа маҳалла фаолларига суянади. Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, содир этилганларини фош этишни фаолиятининг асоси деб билган осойишталик посбонларининг ҳамжиҳатликда хизмат олиб бораётганлари муваффақиятларга замин яратмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, маҳаллада жорий йилнинг ўтган даврида ўзаро келишмовчилик оқибатида юзага келган жанжал туфайли баданга тан жароҳати етказиш билан боғлиқ битта жиноят содир этилган бўлса, тўққизта жиноят фош этилди.

– Маҳалламизда оилавий бизнес фаолиятини йўлга қўйганлар кўпчиликни ташкил этади, – дейди «Бинокор» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Наргиза Содиқова. – Улар ўз оила аъзоларидан ташқари, маҳаллада яшовчи бошқа фуқароларни ҳам иш билан таъминлаб келаётгани қувонарлидир. Масалан, якка тартибдаги тадбиркор Азиза Нишонбоева раҳбарлигида фаолият юритаётган хотин-қизлар турли ёшдаги кишиларга мўлжалланган сифатли кийим-кечаклар тикишади. Яқинда у иш фаолиятини кенгайтириб яна икки кишининг бандлигини таъминлашни мақсад қилиб қўйган.





Бекорчилик жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг калити ҳисобланади. Шу боис ёш авлодни спорт, фан ва бошқа тўгаракларга жалб этиш доимий эътиборда. Уларнинг ўзлари севган машғулот билан шуғулланишларига яратилаётган имкониятлар келгусида касб танлашида пайдо бўладиган иккиланишларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, аҳолини иш билан банд қилиш масалалари бўйича ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ.

– Беш қўл баравар эмас, – дейди майор Дилрабо Шокирова. – Маҳалламизда жанжалкаш оилалар ва спиртли ичимликка ружу қўйган кишилар ҳам учраб туради. Фаолиятим давомида бир нарсага ишонч ҳосил қилдимки, киши астойдил интилса, кўзлаган мақсадига албатта эришаркан. Ҳамкорликда олиб борилаётган турли профилактик тадбирлар, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари ўзининг ижобий самарасини бераётир.

**Кези келганда таъкидлаш лозимки, майор Д. Шокирова пойтахтимизда ички ишлар бўлимлари ташкил этилгандан буён унга хотин-қизлардан бошлиқ этиб тайинланган биринчи осойишталик посбонидир.**

Ўз касбига садоқати, юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги жонкуярлиги боис у билдирилган юксак ишончни оқлаб келмоқда. Бу, ўз навбатида, аста-секинлик билан Д. Шокирова издошларининг сафи кенгайиб боришида муҳим ўрин тутаётир.

Д. Шокирова турмуш ўртоғи билан бир ўғил ва бир қизини эл корига ярайдиган инсон қилиб тарбиялашни мақсад қилган. Онаси – Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида яшовчи Мунаввар опа Дўстмуродова 6 нафар қизини ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялаб вояга етказди. Айни кунда кексалик гаштини сураётган Мунаввар опа фарзандлари эришаётган ютуқларни кўриб, ортда қолган машаққатли кунларни бир қадар унутгандек бўлади.

Дарвоқе, Дилрабонинг синглиси Мунира ҳам опаси сингари осойишталик посбони. Лейтенант Мунира Примова Самарқанд вилояти Иштихон тумани ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор лавозимида хизмат қилмоқда.



**„Дилрабо Шокирова ички ишлар органларидаги хизмат фаолиятини 1997 йил ИИВ Ахборот маркази инспектори лавозимидан бошлаган. Кейинчалик ИИВ ЖИЭББ 1-тергов ҳибсхонаси махсус бўлим инспектори лавозимида фаолиятини давом эттирди. 2007 йилда ИИВ Академиясини тамомлаб, ИИВ Жазони ижро этиш тизимида турли лавозимларда самарали хизмат қилди.“**

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Postda» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар.**

ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ

# ИШОНЧ ҚЎРҒОНИ

**Бахтдан баҳра олаётган оилалар, шубҳасиз, меҳр-муҳаббатга йўғрилган ўзаро ишонч ва ҳурматдан тикланган мустаҳкам қўрғонни эслатади. Қуйида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган оила фикримизнинг яққол далилидир...**

1976 йилда Охуновлар оиласида қизалоқ дунёга келади. Унга Тамара деб исм қўйишади.

Тамара вояга етиб, оила анъанасини давом эттирди – Андижон давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлади.

Тамара бир йилга яқин мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади, кейин эса уни Булоқбоши тумани ИИБга вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича испектор сифатида хизматга таклиф қилишди. Тамара Охунованинг ҳаётидаги ушбу муҳим воқеа 1999 йилда юз берди.

Мақоламиз қаҳрамонларидан яна бири Машрабжон Аҳмедов кўп фарзандли оилада туғилиб, вояга етди. Отаси Абдуносир ака мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлар, онаси Тожихон опа эса болалар тарбияси билан шуғулланарди.

Машрабжон мактабни тамомлаб, армия сафида хизматни ўтаб қайтди ва амакисининг маслаҳати билан ички ишлар органлари ходими бўлишга қарор қилди. Чунки амакиси Фарҳод Аҳмедов бутун умр шу соҳада фаолият юритиб, Булоқбоши тумани ИИБ жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи лавозимидан, майор унвонида пенсияга чиққан эди.

1999 йили Машрабжон Хўжаобод тумани ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлинмасига ишга қабул қилинди. 2002 йилда эса Булоқбоши тумани ИИБга тезкор навбатчилик қисми навбатчисининг ёрдамчиси лавозимига ўтказилди.

Ҳаётда кўп кузатилганидек, тарих яна қайтарилди. Тамара ва Машрабжон хизматда танишиб, оила қуришди.

Шу тариқа, ёш оила Булоқбоши тумани ИИБда: Тамара «болалар» инспектори, Машрабжон тезкор навбатчилик қисми навбатчисининг ёрдамчиси сифатида ўз фаолиятини давом эттиришди.

Ҳозирда Аҳмедовларнинг оиласида уч фарзанд вояга етмоқда. Тўнғич қиз Кумушой 11-синфда ўқийди, у шифокор бўлишни орзу қилади. 9-синфда таҳсил олаётган Севинчой келажакда ўқитувчилик касбини танлаш ниятида. 4-синфга ўтган кенжатой Муҳаммадносир эса ота-онаси каби ички ишлар органлари ходими бўлишни истайди.

2019 йилда майор Тамара Аҳмедова Булоқбоши тумани ИИБ ҲПГ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори этиб тайинланди.



– Оиламиз жуда аҳил, – ҳикоя қилади майор Т. Аҳмедова. – Бир неча йил олдин ўз лойиҳамиз асосида қурилган янги уйга кўчиб ўтдик. Кун бўйи хизматда қолиб кетишимизга қарамай, бутун бошли хўжалигимиз бор – қўй, товуқлар боқамиз, томорқада сабзавотлар етиштирамиз. Болалар эса бизга ёрдамлашади.

– Биз бир тану бир жон бўлиб яшаймиз, – дейди сержант М. Аҳмедов. – Рафиқам билан бир-биримизни бир оғиз сўздан тушуниб оламиз. Унинг унвони меникидан катта бўлишига қарамай, турмуш ўртоғим оиладаги ўз ўрнини яхши билади. Юзага келган муаммоларни биргаликда ҳал қилишга ҳаракат қиламиз.

– Аҳмедовлар ўрнак бўлишга лойиқ оила, – дея ўз фикрини билдирди Булоқбоши тумани ИИБ бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Мадорбек Қорақўзиев. – Улар нафақат намунали оила, балки хизматда ҳам энг яхши ходимлардан. Иккиси ҳам хизмат интизомига қатъий риоя қилади, ўз лавозим мажбуриятларини катта масъулият билан бажаради, иш фаолиятида жасорат ва ватанпарварлик фазилатларини намойиш этишади.

Уларнинг ота-онаси ҳам вақтининг кўп қисмини хизмат жойида ўтказиб, фарзандларини мустақил бўлишга, меҳр-оқибатга, бир-бирига ёрдам беришга, яқинлари учун жавобгарликка ўргатишган. Бугун эса Машрабжон ва Тамара ҳам болалари билан ўз муносабатларини мана шу тамойил асосига қурган. Тамара хизматда жуда банд ходим, лекин шунга қарамай, у меҳрибон она ва ажойиб уй бекаси.

– Ички ишлар органларидаги хизматнинг ўзига хос жиҳатларини билиш турмуш ўртоғинг дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни тушунишга ёрдам беради, – давом этди Тамара. – Ходимларнинг оиласида эса ишонч ва бир-бирини тушуниш ҳар нарсадан муҳим. Фаолиятимиз давомида ҳар доим кутилмаган вазиятлар, ишда қолиб кетиш, бемаврид қўнғироқлар, режалаштирилмаган хизмат сафарлари бўлиб туради. Агар буни тўғри тушунмай, ҳадеб турмуш ўртоғингдан айб қидирадиган бўлсанг, турли низолар ва қўшимча асабий ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Қизғин иш жадвалига қарамай, Аҳмедовлар оиласида доимо тинчлик, муҳаббат ва ўзаро ишонч ҳисси ҳукм суради. Биз ҳам барча оилалар худди шундай бўлишини тилаб қоламиз.

**Борис КЛЕЙМАН.**
**Муаллиф олган сурат.**

## ЯНГИ ИБОРАЛАР

*Паркомат – автомобилнинг тўхташ жойи-(парковка)да бўлган вақти учун пул маблағларини ҳисоблаш ва қабул қилинишини таъминловчи автоматик мослама.*

*Автотураргоҳ учун тўлов, одатда, вақт қайд этилган чипталарни чиқариб берувчи паркоматлар ёрдамида олинади.*



# СТОЛ ТЕННИСИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ таркибий бўлинмалари ходимлари Бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ички ишлар органлари ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ИИВнинг ёпиқ спорт залида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан спортнинг стол тенниси тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди.**

Мусобақа ИИВ Марказий аппарати бош бошқарма, бошқарма, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ҳамда ИИВ таълим муассасалари ходимлари ўртасида бўлиб ўтди. ИИВ Кадрлар бош бошқармаси ҳамда Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мусобақада 16 та соҳавий хизматлар вакилларидан 32 та ходим иштирок этиб, ўз маҳоратларини синаб кўришди. Муросасиз кечган баҳсларда иштирокчилар ғалаба учун астойдил курашдилар.

Тўрт соат давом этган мусобақа якунида аёл ходималар ўртасида биринчи ўринга ИИВ Академияси жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси, капитан Нилуфар Давлетова сазовор бўлди. Иккинчи ўрин Тошкент вилояти ИИББ Ташкилий бошқармаси ташкилий назорат бош инспектори, подполковник Маъмура Абдуллаевага, учинчи ўрин эса ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлари ҳарбий назоратчиси, кичик сержант Настя Зуевага насиб қилди.




Эркак ходимлар ўртасидаги мусобақа ҳам қизғин курашларга бой тарзда кечди. Биринчи ўрин ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлари қўриқлаш взводи ўқчиси, сафдор Оятиллобек Тешабоевга насиб этди. ИИВ ҚҚББ 7531-ҳарбий қисм молия хизмати катта техник ҳисобчи ғазначиси, кичик сержант Ўктам Зайниддинов иккинчи ҳамда ИИВ Академияси жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси, лейтенант Акмал Миршарипов учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида ИИВ Кадрлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Умидбек Нуриллаев сўзга чиқиб, мусобақа иштирокчиларини қутларкан, спортга ошно бўлиш ҳар бир ходимнинг ҳаёт тарзига айланиши, шунингдек, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш фикрлаш ва дунёқарашни оширишини эътироф этди. Шундан сўнг ғолиб ва совриндорларга диплом, медаль ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Абу КЕНЖАЕВ,**
**«Postda» фотомухбири.**

# МИРОВОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В БОРЬБЕ ПРОТИВ ПРЕСТУПНОСТИ

**Интерпол – крупнейшая в мире международная полицейская организация, вторая по численности после ООН, в настоящее время объединяющая 194 государства. Способствует сотрудничеству разных стран в сфере борьбы с преступностью, обеспечивает поддержку и помощь властям, службам, организациям, работающим в этом направлении.**

Ее создание явилось ответом правоохранительных структур на интернационализацию преступного мира и появление во второй половине XIX - начале XX века международной преступности.

В 1914 г. в Монако состоялся I Международный конгресс уголовной полиции. Юристы и стражи порядка из 14 стран обсудили координацию деятельности полицейских органов различных государств по вопросам борьбы с преступностью, учреждения отдела по учету международной криминальной информации и унификации процедуры выдачи (экстрадиции) преступников.

II Международный конгресс криминальной полиции, на котором была создана Международная комиссия криминальной полиции, состоялся только в 1923 г. в Вене (Австрия). В 1946 году, уже после Второй мировой войны, в Брюсселе (Бельгия) прошла конференция с целью возобновления деятельности Международной комиссии криминальной полиции. Было принято решение о переводе штаб-квартиры в Париж и принятии аббревиатуры Интерпол в качестве телеграфного адреса Организации.

В 1956 году Международная комиссия криминальной полиции была переименована в Международную организацию криминальной полиции – Интерпол. В 1989 году штаб-квартира (Генеральный секретариат) Организации переехала в г. Лион (Франция), где находится по сей день.

Таким образом, годом создания Международной организации уголовной полиции – Интерпол считается 1923-й.

В 1996 г. Генеральная Ассамблея ООН утвердила межправительственный статус Интерпола как наблюдателя на Генеральной Ассамблее. В 1997 году Интерпол и ООН подписали соглашение о сотрудничестве, что свидетельствует о высоком авторитете данной организации. В 1994 году, на проходившей в Риме (Италия) 63-й сессии Генеральной Ассамблеи Международной организации уголовной полиции – Интерпола, Узбекистан единогласно был принят 176-м членом Организации.








В настоящее время деятельность НЦБ Интерпола регулируется постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию деятельности Национального центрального бюро Интерпола в Республике Узбекистан».

Используя каналы Интерпола, правоохранительные органы нашей республики получают возможность проследить деятельность интересующих их физических и юридических лиц за пределами Узбекистана. В этой связи еще одним, не менее важным аспектом деятельности НЦБ Интерпола является экстрадиция разыскиваемых преступников.

Экстрадиция сегодня – это один из важных аспектов осуществления правосудия, и только при условии ее осуществления можно говорить о том, что принцип неотвратимости наказания, закрепленный международными документами, уголовным и уголовно-процессуальным законодательством Республики Узбекистан, действует.

Большое значение имеет непосредственное общение сотрудников НЦБ разных стран друг с другом. Этому способствуют ежегодные встречи глав НЦБ Интерпола стран-участниц на Генеральных Ассамблеях в разных городах мира.

Ежегодно Республику Узбекистан посещают не меньше 2 миллионов граждан зарубежных стран с туристическими, частными, коммерческими и личными целями.

В этой связи остро возникла необходимость развития эффективной служебной деятельности правоохранительных органов Республики Узбекистан по линии Интерпола. Генеральный секретариат Организации имеет целый спектр инструментов и возможностей, способствующих результативной деятельности национальных правоохранительных органов, таких как: базы данных лиц, склонных к совершению преступления (члены террористических организаций, организованных преступных групп, наркокурьеры и др.); утерянных/украденных документов, удостоверяющих личность; украденных культурных ценностей; угнанных транспортных средств; отпечатков пальцев рук; огнестрельного оружия; ДНК и других.

Не раз на сессиях Интерпола отмечалось, что «…лучшим вкладом в международное сотрудничество была бы отличная постановка полицейского дела в своей собственной стране, а не стремление разрешить проблемы, которые ставит современность, с помощью международных полицейских органов и международного права».

Поэтому особо важным представляется то, чтобы каждый сотрудник оперативно-розыскных подразделений органов внутренних дел Узбекистана знал, какие действия необходимо предпринимать для организации действительно результативного международного розыска преступников.






**Рустам ИСРАИЛОВ,**
**начальник НЦБ Интерпола в Узбекистане,**
**полковник.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ




**Ҳар доим йил якунига яқинлашгани сайин, киши ўзига ўзи сарҳисоб беришга эҳтиёж сезади. Шу топда менинг кўз ўнгимдан сўнгги тўрт йил ичида мамлакатимизда юз берган улкан ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни ўтяпти. Назаримда, ижобий янгиланишлар жараёни Президентимизнинг Халқ қабулхоналари ташкил этилишидан, «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ҳаётбахш, эзгу ғояни илгари суришларидан бошланганидай.**



«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш учун 2018 йилда 3 триллион сўм маблағ сарфланди. Натижада 416 та қишлоқ янгича қиёфа касб этди. Айниқса, Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги аянчли аҳволга келган Манас қишлоғининг замонавий услубда қайта қурилгани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак.

2019 йилда эса мазкур дастурлар доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Шарғун шаҳарчаси, Қашқадарёнинг Толлимаржон шаҳарчаси, Андижоннинг Боғишамол даҳаси обод масканларга айланди. Бу йил ҳам мазкур йўналишдаги ишлар жадаллик билан давом эттирилмоқда.




Шу ўринда Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманидаги ўзгаришлар хусусида алоҳида тўхталишни истардим. Сўнгги йилларда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида 1 триллион 485 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда туман марказида 800 ўринли амфитеатр, давлат хизматлари маркази, мусиқа ва спорт мактаби қад ростлаб турибди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Таҳлиллар асосида Қорақалпоғистон Республикасини 2020–2023 йилларда комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра Тахтакўпир, Бўзатов, Шуманай туманларидаги шароити оғир маҳалла ва овулларда саноат ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишидаги янги корхоналар ташкил этилди. 17 та туман ва шаҳарнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, умумий қиймати 12 триллион 300 миллиард сўмлик 1359 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилди. 2020–2022 йилларда Қорақалпоғистонда 523 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, 20 мингта янги иш ўринлари яратилади.

Азим пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларини айтмайсизми. «Tashkent City», «Olmazor City», «Akay City» мажмуалари, Сергели туманида қад ростлаган кўп қаватли турар жойлар, бошқа иншоотлар кўзни қувонтиради. Айниқса, беш юлдузли «Hilton» меҳмонхонасидаги шарт-шароитлар чет элликларнинг ҳам эътирофига сабаб бўляпти. Бу эса Тошкентнинг хорижлик компаниялар ва фирмалар назарида инвестициявий жозибадорлигини оширяпти.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишидаги янги қуриб битказилган бекатлар ҳамда ерусти халқа метросининг биринчи босқичи ишга тушгани пойтахтимиз аҳолисини ҳам, меҳмонларни ҳам бирдай қувонтириб юборди. Сергели метро йўналиши эса шу йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Яқинда «Гэллап» («Gallup») халқаро тадқиқот институтининг «Глобал қонун ва тартиб» бўйича йиллик бутунжаҳон рейтинги эълон қилинди. Ўзбекистон ушбу рейтингда 100 балдан 92 балл тўплаб, дунёнинг энг хавфсиз мамлакатлари топ 10 талигига киритилди. Албатта, бундай натижага эришишда, жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини, жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари ходимлари томонидан сўнгги йилларда кўрилган чора-тадбирлар ҳам айниқса эътиборли. Авваламбор, ушбу вазифаларни самарали бажариш мақсадида тизимнинг фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Асосий эътибор маҳаллаларда криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун қуйи бўғинни кучайтиришга қаратилди. Таянч пунктлари ва профилактика инспекторларининг сони кўпайтирилди.

Соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиляпти. Бунинг натижасида «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз пойтахт», «Хавфсиз ҳудуд», «Хавфсиз туризмни таъминлаш», «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш» каби қатор концепциялар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Вилоятларнинг ўзига хос тажрибалари сифатида Андижон вилоятида «Намунали ҳудуд», Бухоро вилоятида «Хотин-қизлар билан ишлаш», Тошкент вилоятининг Бўка туманида «Президентнинг бешта ташаббуси», Фарғона вилоятида «Ёшлар билан ишлаш», Жиззах вилоятида «Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати», Сирдарё вилоятида «Жиноятдан холи маҳалла» концепциялари яратилди.

Хуллас, янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари тизими ҳам янгиланиб, такомиллашиб бормоқда. Президентимиз соҳа ходимларига касб куни муносабати билан йўллаган табригида «Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали туризм бу – ички ишлар соҳаси десак, айни ҳақиқат бўлади», дея эътироф этдилар. Бу юксак баҳо осойишталик посбонларини қонун устуворлигини таъминлаш йўлида янаям фидойилик билан хизмат қилишга ундайди.

Мамлакатимизнинг молиявий, иқтисодий нуфузи ҳам дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

**Ўзбекистон тарихида илк бор халқаро молия бозорларида миллий валютамизда 2 триллион сўм ҳажмида облигациялар Лондон фонд биржасида жойлаштирилди.**

Буюк Британиянинг Legatum Institute томонидан ҳар йили тайёрланадиган «Фаровонлик индекси»нинг янги натижалари эълон қилинди. Унда Ўзбекистон 97-ўринни эгаллади.

Қолаверса, Рақобатбардош саноат унумдорлиги, Глобал инновациялар, Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун тартибга солувчи чекловлар индексларида мамлакатимиз илк маротаба эътироф этилди. Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторларининг 2019 йил якунлари бўйича эълон қилинган ҳисоботида Ўзбекистон барча 6 та таркибий индикатор бўйича ўсишга эришди.

Сўнгги йилларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва мактаб таълимини яхшилаш борасида кўпгина ишлар қилинди. Президентимиз пойтахтимизда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ва педагоглар билан ушбу соҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамияти, уларни қуйи тизимда амалга ошириш чоралари ҳақида суҳбат чоғида «Тиббиёт ва таълим – давлат ва халқ ўртасидаги адолат кўприги. Ҳаммамиз ўзимизни қийнаб, ҳалол бўлиб, бу тизимларни тўғрилаб олсак, ана шунда адолат таъминланади. Халқимиз рози бўлади», дея таъкидлади.

**Кейинги пайтларда кино санъатида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, «Имом Термизий», «Исломхўжа», «Элпарвар», «Қўқон шамоли», «Ибрат», «101», «Илҳақ» каби тарихий фильмлар мамлакатимиз маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеалар бўлди. Яқинда давлатимиз раҳбари «Ўзбекфильм» киностудиясида амалга оширилган ишларни кўздан кечирди. Шу ерда кино санъати фахрийлари, режиссёрлар, соҳа мутасаддилари билан суҳбатлашди.**

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида халқ манфаатларига қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар ўз мевасини бермоқда. Айниқса, ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, уларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган 5 та муҳим ташаббус ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимиз «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» дадил одимлаяпти, Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда.

Ҳамюртларимиз эртанги кунга ишонч билан қарамоқда. Улар жаннатмонанд юртимизнинг энг олис бурчакларида юз бераётган воқеаларга ҳам ўзини дахлдор деб ҳис қиляпти. Ахир янги Ўзбекистонни давлатимиз раҳбари раҳнамолигида бугунги замондошларимиз яратяпти-ку. Улар эскича дунёқараш билан бунга қодир бўлармиди?! Айниқса, ёшларимиз янгича дунёқараш билан вояга етмоқда, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги тенгдошлари билан бўйлашяпти. Улар бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ яшашга интиляпти.

Тўғри, ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар кўп. Энг муҳими, халқимиз уйғонди, энди у эскича яшашни истамайди. Бундай халқ эса ҳар қандай муаммони ҳал эта олади, ҳеч қачон ортга қайтмайди.



**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

ХИЗМАТЛАРДА

# ТУРИСТЛАР БЕХАВОТИР БЎЛСА БАС

***Туризм — истиқболли соҳа. Шу боис юртимизда туризмни ривожлантириш, чет эл тажрибаларидан самарали фойдаланиш, илғор ташаббусларни амалиётга кенг жорий этиш, сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бунга Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Воҳага келаётган сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш, амалдаги қонун-қоидаларга риоя этишини назорат қилиш ва бой таассуротлар билан қайтишлари учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.***

Жорий йилнинг ўтган даврида «Очиқ осмон остидаги музей» деб ном олган Хива шаҳридаги «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонаси ҳамда вилоятнинг бошқа диққатга сазовор жойларини томоша қилиш учун 44078 нафар сайёҳ ташриф буюрди. Шундан 40 907 нафари маҳаллий, 3 171 нафари эса чет эл фуқароларидир. Коронавирус пандемияси туфайли сайёҳлар ташрифи кескин камайган бўлса-да, вилоят ҳудудида кунига 4728 нафар сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга бўлган 158 та меҳмонхона мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Замон талабларига мос ҳолда бунёд этилган ушбу меҳмонхоналарда туристларнинг саёҳат давомида дам олиши ва мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган. Меҳмонхона ходимлари сайёҳларни ташриф давомида билиши лозим бўлган тарихий обидаларнинг жойлашув манзили, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналиши, шунингдек, ҳудудда жойлашган ички ишлар органлари таянч пунктларининг алоқа телефонлари, жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар билан



таништириб, бу борадаги махсус дастурий таъминотни ўз мобиль қурилмаларига юклаб олишлари мумкинлиги ҳақида тушунтириб боришяпти.

– Туристлар хавфсизлигини таъминлашда инновацион технологиялар, замонавий транспорт воситалари ҳамда хизмат анжомларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга, – дейди вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Марат Худойберганов. – Шуни эътиборга олган ҳолда, «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонасида сайёҳлар учун 4 та, «Нуруллабой» мажмуасида 1 та ахборот шохобчаси барпо этилди. Шунингдек, «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонасида сайёҳларнинг буюмларини вақтинча сақлаб туришга мўлжалланган шохобча фаолияти йўлга қўйилди. Хуллас, сайёҳлар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг тарихий обидаларни бехавотир томоша қилишлари учун барча хавфсизлик чоралари кўриляпти.

Белгиланган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, барқарорликни таъминлаш ҳамда қидирувдаги шахсларни ушлаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорлик самарали ташкил этилган. Жорий йилнинг ўтган даврида соҳавий хизмат ходимлари ташаббуси билан 25 та жиноят «иссиқ изида» фош этилди. Муқаддам содир этилган 12 та жиноятнинг очилишига эришилди ва 2 нафар қидирувда бўлган шахс қўлга олинди.

Соҳавий хизмат ходимлари томонидан амалга оширилаётган бундай кенг кўламдаги тадбирлар вилоятга ташриф буюраётган хорижлик ҳамда маҳаллий меҳмонларнинг самарали саёҳатини, мазмунли ҳордиқ чиқаришини, энг муҳими, хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

**Суратларда:** *вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларининг хизмат фаолиятидан лавҳалар.*





# «ИЧАН ҚАЛЪА»:

## дунё сайёҳларини ҳайратга солган мерос

«Ичан қалъа» Хиванинг тарихий ички шаҳри бўлиб, XIV-XIX асрларда қурилган. Қаср, саройлар, масжид ва мадрасалар, мақбара ва миноралар, карвонсаройлар ва ҳаммомлар «Ичан қалъа»ни ноёб ёдгорлик шаҳарга айлантирган.

Ички қалъа қисми ҳисобланган «Ичан қалъа» шаҳарнинг Дишан қалъа (ташқи қалъа) қисмидан кунгурадор девор билан ажратилган. Унинг деворлари эрамиздан аввалги VI–V асрларда қурилган бўлиб, баландлиги 7–8 метр, қалинлиги қуйида 8–10, юқорида 2–3 метрни ташкил қилади. Бу тарихий деворнинг узунлиги 2200 метр бўлиб, тўрт томонга қарата қурилган дарвозалари бор. Булар – Боғча дарвоза, Полвон дарвоза, Тош дарвоза, Ота дарвоза.



Мажмуадаги Калта Минор минораси, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Тошҳовли саройи, Ислом Хўжа минораси, Кўҳна Арк ва бошқа шу каби тарихий обидалар, айниқса, саёҳатчиларда яхши таассурот қолдиради.

Калта Минор минораси, маълумотларга кўра, дастлаб ислом дунёсида энг баланд минора бўлиши кўзда тутилган. Диаметри 14 метр бўлган минора 26 метрлик баландликда қуришдан тўхтатилган. Унинг устки қисми ялтироқ ғиштлар билан қопланган.

Кўҳна Арк қадимда Хива хонларининг қароргоҳи бўлган. Унинг таркибида тангалар зарбхонаси, расмий қабуллар саройи, канцелярия, ҳарбий арсенал ҳамда маҳбуслар учун қамоқхоналар бўлган. Бино Шарқ наққошлик санъатидан унумли фойдаланилган ҳолда барпо этилган бўлиб, эшик ва ромлари ёғоч ўймакорлиги асосида безатилган.

Бу қадамжолар Хива ва Хоразм вилоятидаги тарихий архитектура ёдгорликларининг ҳаммаси эмас. Урганч ва Хивага чегарадош ҳудудларда ҳам элликдан зиёд қадимий ёдгорлик мажмуалари сақланиб қолган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**



УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН – НОВОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ



**«...Сегодня, когда в полную силу реализуется мощный потенциал нашего народа, в Узбекистане закладывается фундамент новой эпохи Возрождения – третьего Ренессанса. Ведь сегодняшний Узбекистан – это не вчерашний Узбекистан. И наш народ – уже не тот, каким был вчера». Эти мысли озвучены Президентом Шавкатом Мирзиёевым на торжественной церемонии, посвященной 29-й годовщине независимости страны. Упоминание словосочетания «Новый Узбекистан» – признание того, что мы вступили в качественно иной этап развития – этап огромных преобразований и достижений.**

**Недавно были объявлены результаты всемирного годового рейтинга по Глобальному закону и порядку Международного исследовательского института Гэллапа («Gallup»). По его итогам, Узбекистан вошел в топ-десятку самых безопасных стран мира, набрав 92 из 100 баллов. Безусловно, в достижении такого результата большое значение сыграли меры, принятые в последние годы сотрудниками органов внутренних дел в сфере обеспечения законности и правопорядка в нашем обществе, следование принципу неотвратимости наказания.**

Последние четыре года в новейшей истории Узбекистана стали периодом коренных реформ. Начавшийся в стране процесс перемен признается и мировым сообществом. Этому есть причины. Ведь за данный период Узбекистан продемонстрировал безграничный потенциал и возможности во всех сферах.

В обновляющейся стране главными приоритетами национальной стратегии развития определены верховенство интересов народа, социальной справедливости, полноценная защита прав и свобод человека, воспитание всесторонне развитого молодого поколения, способного стать локомотивом проводимых реформ.

В Узбекистане только за последние годы создано 43 новых высших образовательных учреждения, в том числе в кооперации с ведущими зарубежными вузами. Продолжается работа по реализации целостной системы воспитания талантливых юношей и девушек, созданию Президентских, специализированных и творческих школ, внедрению программы «Современная школа». Организованы Агентство по делам молодежи и Межведомственный совет по вопросам молодежи. Созданы молодежные парламенты при палатах Олий Мажлиса и Молодежная академия при Министерстве инновационного развития.

Все это, несомненно, является важной базой для подготовки кадров, обладающих современными знаниями, новым мировоззрением для обновляющегося Узбекистана.

Молодежь, которая учится в самых современных учебных заведениях, по выражению Президента страны, является «золотым фондом» Узбекистана. Это говорит о том, что у нас есть все для формирования новых Хорезми, Ибн Сино, Улугбеков, а, следовательно, и заложен фундамент эпохи Ренессанса в Узбекистане, что, безусловно, обеспечит устойчивое развитие страны.












**Кроме того, наша страна впервые была отмечена в индексах Конкурентоспособной промышленной производительности, Глобальных инноваций, Нормативных ограничений для прямых иностранных инвестиций. Согласно отчету Всемирного банка о показателях качества управления за 2019 год, Узбекистан достиг роста по всем шести структурным показателям.**

Необходимо отметить, что в Узбекистане поступательно растет социальная и политическая активность общества, повышается уровень правовой культуры граждан. Целенаправленно реформируются органы государственного управления, в результате чего значительно возросло к ним доверие со стороны наших соотечественников, стремящихся принимать самое непосредственное участие в масштабных процессах обновления.

Повысилась роль парламента – высшего представительного органа народа, занимающего важную роль в общественно-политической жизни государства. Теперь законодательный орган страны имеет практические полномочия по заслушиванию информации и отчетов государственных органов всех уровней, изучению с выездом на места правдивости представленной информации. Следует подчеркнуть, что на сегодняшний день принято 12 нормативно-правовых актов, направленных на реформирование государственного и общественного управления, четыре из которых предусматривают повышение эффективности парламентской деятельности. Кроме того, с учетом электоральной активности женщин осуществлены институциональные изменения в Сенате, к примеру, создан Комитет по вопросам женщин и гендерного равенства, в числе основных задач которого – обеспечение полноценного участия женщин в государственной и общественной деятельности.

Повышение активности граждан при обсуждении и решении важнейших общественных и социально-экономических вопросов напрямую связано с усилением функций местных Кенгашей народных депутатов, эффективностью их совместной работы. Это служит надежным инструментом, позволяющим нашим соотечественникам проявлять и реализовывать свою гражданскую позицию.

Можно с уверенностью утверждать, что начатая в стране деятельность по глубокому утверждению в жизни принципов открытости и прозрачности, установлению эффективного общественного контроля за деятельностью органов государственной власти приобрела необратимый характер. Сам народ становится созидателем всех позитивных перемен в стране во имя построения нового Узбекистана, укрепления его независимости.

**Равшан ЭРНАЗАРОВ,**
**кандидат философских наук,**
**доцент, подполковник.**

СУЛОЛА

# «БИЗГА ҲАВАС ҚИЛИНГ, БИЗГА ҚАРАНГИЗ»



Болалигидан китобга, адабиётга меҳр қўйган истеъфодаги капитан Иномжон Ишонқулов соҳада узоқ йиллар хизмат қилиб, пенсияга чиққанидан сўнг буткул бадиият баҳрига шўнғиб, ўзи ҳам шеърлар ёзишни бошлади.

– Болалигимдан адабиётга меҳрим жуда баланд бўлгани боис ниҳоятда кўп китоб ўқиганман, – дейди фахрий. – Нафсиламрини айтганда, хизмат давомида мутолаага, ижод қилишга жуда кам вақт топиларди. Пенсияга чиққач, бутун вужудим билан шеърият оламига ошуфта бўлдим. Кутубхоналардан илгари ўқишга вақтим бўлмаган асарларни топиб ўқидим, ўзим ҳам кўнглимдан кечаётган туйғуларни шеър ҳолатида оқ қоғозга тушириб, ундан олам-олам завқ ола бошладим.

Фахрийнинг қалб қўрида тобланган сатрлар гўзал шеърларга айланди. Кўплари газета ва журналларда чоп этилди. Ниҳоят 2015 йилда «Фарғона» нашриётида унинг «Кўнгиллардан сув ичар кўнглим» деб номланган шеърий тўплами чоп этилди. Таниқли шоир Баҳодир Исо китобга сўзбоши ёзаркан, Иномжон Ишонқуловнинг ижодига юқори баҳо берди.

И. Ишонқулов 1960 йилда Фарғона шаҳрида туғилган. Унинг отаси Ўлмас Ишонқулов ҳам узоқ йиллар тергов ҳибсхонасида ишлаб, катта сержант унвони билан пенсияга чиққан эди.

Иномжон отаси ва акаларига ҳавас қилиб, уларнинг ортидан эргашиб, 1982 йилда ички ишлар органлари сафига кирди. Кейинчалик ИИВ Тошкент ўрта махсус мактабига ўқишга кириб, 1985 йилда ўқишни муваффақиятли тамомлади. Шундан сўнг Фарғона шаҳрида дастлаб жиноят қидирув, патруль-пост хизматларида, 2002 йилдан пенсияга чиққунча профилактика инспектори лавозимида хизмат қилди.

Қаҳрамонимиз хизматни бошлаган дастлабки пайтларда полковниклар Улуғбек Охунов, Рустам Абдуллаев, подполковник Баҳодир Қурбонов ва майор Одилжон Қурбонов каби фидойи инсонлардан соҳанинг сир-асрорларини ўрганди.

Унинг катта акаси Аъзам Ишонқулов ИИВ Қоровул қўшинларида, яна бир акаси Шерхон Ишонқулов, укалари Иброҳим ва Баҳодир Ишонқулов эса ҳарбий соҳада хизмат қилишган. Айни кунда бу сулола анъаналари яна давом этмоқда. Иномжон Ишонқуловнинг катта ўғли, подполковник Илҳомжон Ишонқулов ота касбини давом эттириб, Фарғона шаҳар ИИОФМБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида, кичик ўғли, катта лейтенант Фарҳод Ишонқулов эса Миллий гвардия сафида хизмат қилмоқда.

– Танлаган касбимдан доим фахрланаман, – дейди фахрий. – Фарзандларим камолга етиб, касбимни муносиб давом эттиришмоқда. Набираларга дуогўй бўлиб, бўш вақтларимда китоб ўқиб, ижод қилиб, бахтли ҳаёт кечиряпман.

Истеъфодаги капитан Иномжон Ишонқулов бугун соҳада хизмат қилаётган ёш ходимлар билан тез-тез учрашиб, улардан маслаҳатларини аямайди. Фарзандлари ва шогирдларини доим она Ватанга садоқат билан хизмат қилишга, ҳалол ва фидойи бўлишга ундайди.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Фарғона вилояти.*

### ВАТАН ИЧРА ВАТАН

*Ватан ичра ватан — менинг оилам,*
*Истиқлолдан яна бахтга тўлишди.*
*Айвонимга қўнган қалдирғочлар ҳам,*
*Бултурги инларин қумсаб келишди.*

*Эркин қушдай ўсиб набираларим,*
*Теграмда ўйнайди уйим тўлдириб.*
*Эсга солиб ёшлик хотираларим,*
*Рақсга тушарлар кўзим кулдириб.*

*Осмоним мусаффо, юртимда тинчлик,*
*«Бобо», деб эркалар Бону, Фарангиз.*
*Ўғилларим бугун эл хизматида,*
*Бизга ҳавас қилинг, бизга қарангиз.*

*Бахтли фуқаромиз Ўзбекистонда,*
*Ватанни гуллатган кичик ватанмиз.*
*Ҳамиша юрт меҳри яшайди танда,*
*Шу улуғ халқ билан бир жон, бир танмиз!*

**Иномжон ИШОНҚУЛОВ,**
**истеъфодаги капитан.**

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

# САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ҲАЁТИНИНГ МАЗМУНИ ЭДИ

**Полковник Аҳмад Худойбердиев ўз мақсади йўлида дуч келадиган ҳар қандай қийинчиликни сабр-тоқат ва матонат билан енгиб ўтиб, охир-оқибат ўз орзусига эришадиган инсонлар тоифасидан эди...**



Болалик чоғлариданоқ жонажон Ватани ва халқининг тинчлик-осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишни хоҳлаган бўлажак юрт посбони мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, ўзи туғилиб ўсган сурхон заминидан кўҳна Самарқанд сари йўл олади. Аммо талаба бўлиш бахтига муяссар бўла олмагач, яна она диёрига қайтиб, унинг ривожи йўлида халқ хўжалигининг турли соҳаларида бир муддат хизмат қилади. Сўнгра йигитлик бурчини бажариш учун ҳарбий хизматга отланади.

А. Худойбердиев армиядан қайтгач, эзгу орзусини амалга ошириш учун Тошкентга келади. Изланишлар самараси ўлароқ, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киради. Талабалик йилларида ҳам илмга бўлган тиришқоқлиги билан устозлари меҳрини қозона олган бўлажак юрист таълим муассасасини муваффақиятли тамомлаб, Сурхондарё вилояти прокуратурасида иш бошлайди.

Сал фурсат ўтиб, А. Худойбердиев она Ватан осойишталиги ва юрт тараққиётига камарбаста бўлгувчи ёшларни тарбиялаш ишларига жалб қилинади. ИИВ Тошкент олий мактаби (бугунги ИИВ Академияси)даги фаолиятини давлат-ҳуқуқий фанлар кафедрасида оддий ўқитувчиликдан бошлаган Аҳмад Худойбердиев йиллар ўтган сари соҳа сир-асрорларини мукаммал эгаллаб, катта ўқитувчи, кейинчалик кафедра бошлиғи лавозимларида хизмат қилди.

Илмда ҳам ўз ўрнини топган тиниб-тинчимас А. Худойбердиев номзодлик диссертациясини муносиб ҳимоя қилиб, илмий даражага эга бўлади, олим сифатида кўплаб китоблар ва услубий қўлланмалар чоп этади. Шундан сўнг у бир неча йил Тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультетининг юридик фанлар кафедраси доценти бўлиб фаолият юритиб, кейинчалик ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти (ҳозирги Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти) нинг тарбиявий ишлар, педагогика ва психология кафедрасида хизматни давом эттиради.

Фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирган, юксак малака ва бой тажрибага эга бўлган маҳоратли педагог, А. Худойбердиев 2002 йилда пенсияга чиқади. Ҳавас қилса арзигулик фазилатлар соҳиби оиласи ва фарзандларига ҳам вақт ажратиб, уларнинг тарбиясига қаттиқ эътибор берарди. Турмуш ўртоғи билан уч фарзандни вояга етказиб, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишини таъминлади. Тўнғич қизи Наргиза пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги мактабгача таълим бўлими ҳисобчиси бўлиб фаолият юритмоқда, кенжаси Феруза ИИВ Академиясида катта ўқитувчи лавозимидан пенсияга чиққан. Ўғли Ойбек ҳам узоқ йиллар давомида ИИВ Қоровул қўшинларида самарали хизмат қилиб, майор унвонида пенсияга чиққан.

Аҳмад Худойбердиев ҳаёт бўлганида бу йил 73 ёшни қаршилаган бўлар эди. Ҳозирги кунда 9 нафар невараси, яқинлари ва ўнлаб шогирдлари унинг порлоқ хотирасини ёд этиб, доимо қалбининг тўрида сақлаб келмоқда.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

О НАСТАВНИКЕ

# Один день с подполковником Пахриддином Бердиевым

**Можно сказать, что органы внутренних дел начинаются с дежурной части. Именно сюда стекается информация о происходящих правонарушениях: пропал человек, ругаются соседи, обнаружили подозрительный предмет, произошли кража, разбой, грабеж… Сотрудники дежурной части первыми узнают о случившейся беде, координируют работу следственно-оперативных групп. От их профессионализма, правильных действий зависят здоровье и жизнь потерпевших, поиск и задержание преступников.**



Когда человек становится специалистом, ему, без сомнения, оказывают почет и уважение. Какими же качествами надо обладать, чтобы стать примером для коллег?

Мы попытались найти ответ на этот вопрос в беседе с сотрудником дежурной части УКД ОВД Алмазарского района столицы подполковником Пахриддином Норовичем Бердиевым, который служит в органах внутренних дел более 25 лет.

Родился Пахриддин Бердиев в 1970 году, в городе Шахрисабзе Кашкадарьинской области. Со школьной скамьи он мечтал стать сотрудником органов внутренних дел.

– Я хотел этого с детства, – признается Пахриддин Норович. – Когда видел сотрудника в форме, говорил себе, что обязательно стану стражем порядка. После армии пришел в органы внутренних дел. Как сейчас помню, это было в январе 1991 года. Вот уже более 25 лет работаю здесь, в дежурной части УКД ОВД Алмазарского района. Если сравнивать службу образца начала 1990-х и нынешнюю, то скажу, что это просто небо и земля. Тогда мы обходились стационарными телефонами, телетайпом и рациями. Рации тоже были не такие мощные, как сейчас. А сегодня, вы только посмотрите: на улицах установлены камеры видеонаблюдения, работает не одна сотовая компания, у всех есть телефоны, рации, интернет, процессы компьютеризированы. Всему этому мне пришлось обучаться без отрыва от службы. Это очень облегчает работу. Пользуясь случаем, хочу поблагодарить за такие перемены главу государства и вышестоящее руководство.

25 лет назад Пахриддин Бердиев дал клятву Родине и народу и до сих пор верен ей. Сегодня у него много учеников, и каждого он знает поименно. Некоторые из них работают на руководящих должностях, кто-то уже вышел на пенсию. До сих пор они встречаются по праздникам, перезваниваются. Это уже стало своего рода традицией.



В служебной практике подполковника П. Бердиева – немало задержаний по горячим следам. К примеру, не так давно оперативно раскрыли грабеж. В дежурную часть УКД ОВД Алмазарского района поступило сообщение о том, что двое граждан отобрали у водителя такси телефон, деньги и машину. Данная информация была передана по радиостанции. Сотрудники ДПС обнаружили брошенную автомашину через несколько улиц от места преступления. Подполковник Пахриддин Бердиев, проанализировав данные с камер видеонаблюдения, просчитал пути отхода преступников. Он хорошо знает Алмазарский район, так как сам проживает здесь, поэтому смог быстро рассчитать квадрат и сориентировать туда наряд органов внутренних дел. Там и задержали подозреваемых в совершении преступления.

– Мне очень нравится моя работа, – говорит Пахриддин Бердиев. – Я посвятил больше половины жизни службе в органах внутренних дел. Если бы пришлось вернуться назад и оказаться перед выбором профессии, то снова, не задумываясь, стал бы стражем порядка.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото Фархода ПУЛАТОВА.**

РЕФОРМЫ – В ДЕЙСТВИИ

# Приоритет – национальной кухне

**С реформированием Вооруженных Сил и органов внутренних дел Узбекистана существенно изменилась система материально-технического снабжения Войск МВД по обеспечению безопасности в международных аэропортах. Одним из способов ее организации стал аутсорсинг. Объяснить, что такое аутсорсинг, можно на примере столовой войсковой части № 7255. Если раньше функции поваров, официантов, уборщиков и мойщиков посуды выполняли солдаты срочной службы, то теперь их заменили работники специализированной фирмы.**





Аутсорсер нашей войсковой части – частная фирма «Оятилло-Дониёрбек хамкор», владельцем которой является предприниматель Олимжон Далимов. Договор был заключен по итогам рассмотрения многих претендентов. Предпочтение было отдано тому, кто имеет значительный опыт работы в сфере общественного питания, соответствующую финансовую, материально-техническую и логистическую базу, готов улучшать состояние столовых. Тендер выиграла фирма Олимжона Далимова. Теперь не солдаты-срочники, а профессионалы – шеф-повар Тохиржон Балтабаев, повар Авазбек Хакимов готовят для военнослужащих вкусные блюда. Никто еще не жаловался на качество пищи.

За счет внедрения аутсорсинга оптимизировались численность персонала столовой, расходы по перевозке и доставке продуктов питания, стал разнообразным ассортимент, улучшилось качество пищи.

– Абсолютно все продукты проходят обязательную сертификацию Узстандарта и санитарно-гигиенических служб, – рассказывает начальник продовольственной и вещевой службы войсковой части № 7255 Войск МВД по обеспечению безопасности в международных аэропортах капитан Алибек Шодиев. – С каждого блюда снимаются пробы, которые хранятся в течение суток. Если кто-либо из военнослужащих почувствует недомогание, пробы подвергнут анализу. При выявлении нарушений аутсорсеров ожидают серьезные санкции. Количество продуктов, заложенных на день, также контролируется и заверяется актом представителя войсковой части.

**Адис НАРЗИЕВ,**
**майор.**
*Андижанская область.*

СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

# ХУШЧАҚЧАҚЛИК – ИНСОН ЗИЙНАТИ

**Шундай инсонлар борки, улар билан суҳбатлашсангиз, вақт ўз аҳамиятини йўқотгандек туюлади. Уларни илм-фан, санъат ва мамлакатимиз тараққиётининг деярли барча соҳаларида учратиш мумкин. Вақти тиғиз бўлса-да, бировдан ёрдамини аямайдиган бундай хушчақчақ инсонлар билан кечадиган учрашувлар, суҳбатлардан маънавий озиқа оласиз, қалбингиз ёришади. Бугунги суҳбатдошимиз ана шундай самимий санъаткор, Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон давлат консерваторияси «Мусиқали театр студияси»нинг опера хонандаси, «Шуҳрат» медали соҳиби Женисбек Пиязовдир.**

**– Маълумки, Италиянинг Пезаро шаҳрида бастакор Россини фестивали ғолиби сифатида Миландаги «La Scala» опера театри саҳнасида куйлаш ҳуқуқини қўлга киритган илк ўзбекистонлик операчи сифатида тарихимиз саҳифаларига номингиз битилди. Ўша ҳаяжонли лаҳзаларда кўнглингиздан қандай ўй-фикрлар кечди?**

– Аввало, «La Scala» (Teatro alla Scala) – Милан шаҳридаги опера театри бўлиб, у 1778 йили қурилган. Ушбу театр дунё опера маданияти маркази ҳисобланади. Бастакор Россини мусиқа фестивали 40 йилдан бери Италияда ўтказиб келинади. Фестивалдан мақсад – янги опера овозларини кашф қилиш, уларни дунёга танитишдан иборат.

**Женисбек 2007 йилда Нукус маданият ва санъат коллежини тамомлаган. Шу йилнинг ўзида республика «Ёш операчилар» танловида 1-даражали диплом билан тақдирланиб, Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Вокал санъати» академик хонандалик мутахассислиги бўйича ўқишга имтиёзли равишда қабул қилинган. Ўзининг юқори диапазонли овози ҳамда опера санъатига бўлган иқтидори эвазига 2007 йилда «Ниҳол» мукофоти билан тақдирланган.**





Албатта, «La Scala» саҳнасида куйлаган илк ўзбекистонлик бўлганимдан фахрландим. Менинг овозим – бас. Бу овоз Италияда ноёб ҳисобланади. Пуччини Россини ва Верди операларидан таркиб топган еттита ария ижро этдим. Ҳакамлар мени 600 номзод ичидан ажратиб, «La Scala»да қўшиқ айтиш ҳуқуқини олган тўртликка қўшди. Бу худди тушдаги каби бўлди. Жаҳонга машҳур театр саҳнасида юзлаб мухлислар олдида куйлашни тушимми ё ўнгимми, деб ўйладим. Бу мен учун катта шараф. Опера қўшиқчилари учун шарафли бўлган мазкур саҳнада Жузеппе Вердининг «Аттила» операсидаги Аттила ариясини итальян тилида ижро этдим. Бу чиқишим нафақат менинг, балки халқимизнинг ютуғидир.

**– Бундан ташқари, Россини уй-музейи балконида туриб ариялар ижро этган илк ўзбекистонлик сифатида ҳам тарихга кирдингиз. Дунё санъат оламида бу мақомнинг мавқеи хусусида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.**

– Бастакор Россини яшаган уй балконидан қўшиқ куйлаш ҳуқуқи дунёда эътироф қилинган опера ҳофизларига берилади. Мендан олдин бу балкондан туриб опера қўшиқчиси италиялик Никола Алаимо (Nicola Alaimo) ҳам куйлаган. Опера мухлисларининг олқишлар билан кутиб олгани мени жуда ҳаяжонлантирди.

**– Женисбек, Италия опера академиясида таҳсил олганингиз ижодингизда қандай аҳамият касб этди?**

– Санъат мудом изланишни талаб қилади. Шу маънода Италияда ўтган бир йиллик таҳсил давомида дунёнинг номдор операчиларидан ўрганганларимни бу ердаги издошларимизга ўргатиш асосий мақсадимдир. Ҳамма соҳада бўлгани сингари, опера санъати соҳасида ҳам ўз устида ишлаш, изланиш ижобий самарасини беради. Маълумки, операнинг ватани Италия. Итальянлар эса она тилида тез гапиради. Опера ҳам асосан тез айтилади. Шу маънода операнинг «она тили»ни ўрганишим ҳам фойдадан холи бўлмади, деб умид қиламан. Гарчи бутун дунёни ташвишга солган пандемия сабабли, режалаштирган кўплаб тадбирларимиз қолдирилган бўлса-да, ижодий изланишни тўхтатиб қўйганимиз йўқ.

**– Азалдан Қорақалпоғистонда бахшичилик санъати ривож топган. Сизнинг бу санъат турига муносабатингиз қандай?**

– Кези келганда айтишим керакки, ўзим мусиқа мактабида 5 йил шу йўналишда ўқиганман. Ота-онам ҳам айнан шу йўналишда фаолият олиб боради. Бахши-жировчилик қорақалпоқ халқининг қадимий миллий санъат турларидан бири ҳисобланади. Ушбу халқ фольклорига хос достонлар элга машҳур бахши-жировлар томонидан ижро қилиниб, устоз-шогирд анъанаси орқали бизгача етиб келган. Ушбу санъат турини асраб-авайлаш, қадимий достонларни ёшларимиз онгига сингдириш ва уларни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш лозим.



**– Опера ва бахшичилик санъатининг келажагини қандай тасаввур этасиз?**

– Қорақалпоғистонда опера жанрида ўзига хос мактаб яратилган бўлиб, фикримча, у Ўзбекистонда биринчи ўринда туради. Базарбай Надиров, Муяссар Раззоқова, Кенесбай Сержанов, Ойгул Нодирова сингари элга таниқли опера хонандалари юртимиз санъатини дунёга ёйишга ҳисса қўшиб келаётгани ҳам фикримнинг далилидир.

Президентимиз Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида Ўзбекистондаги илк Опера ва бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган мактаб фаолияти билан танишди. Менинг мазкур мактабга раҳбар этиб тайинланишим зиммамга улкан масъулият юклайди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча соҳаларда бўлгани каби, опера ва бахшичилик санъати ривожига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Бу каби хайрли ишлар аждодларимиз асрлар давомида эъзозлаб келган ноёб санъатни дунёга кенг тараннум этиш, ёшларимизнинг соҳага қизиқишини оширишда муҳим омил бўлмоқда.



**Президентимиз ихтисослаштирилган мактабнинг 150 ўринли концерт зали ва синфхоналарини кўздан кечирди. Ҳар бир туманда мактаб филиалларини ташкил этиш, уларда истеъдодли ёшларни тарбиялаб, кейинчалик бу ерда Ўзбекистон давлат консерваторияси филиалини очиш ва бахши-опера йўналишида етук кадрлар тайёрлаш зарурлигини таъкидлади. Ҳозирда бу борада дастлабки ишлар амалга оширилмоқда.**

Яна бир эътиборли жиҳати, Ўзбекистон давлат консерваторияси раҳбарияти билан маслаҳатлашган ҳолда, профессор-ўқитувчиларнинг ҳар ойда бир марта ўқувчиларга маҳорат дарси ўтишларини режалаштирганмиз. Ушбу мактабимиз устозларимиз кўмагида жуда ҳам катта базага эга бўлади, деб ҳисоблайман. Барча саъй-ҳаракатларимиз мактабни профессионал санъаткорлар етишиб чиқадиган санъат даргоҳи бўлишига эришишга қаратилган.

Мактаб ўқувчилари камида 10 та ария ёдлагандан кейин, италиялик Vincenso de Vivo, Ernesto Palasio, Enza Ferrari, Alessandro Binnini каби профессорлар мактабимизга келиб, маҳорат дарсларини ўтишади. Кейин улар иқтидорли ёшларни Италияга олиб кетиб, у ерда соҳага оид билимларини бойитишга кўмаклашади. Бу Ватанимизга ҳар томонлама фойдали бўлади, албатта.

Кейинги пайтларда юртимизда санъаткорларга эътибор кучайди. Давлат тадбирларининг жонли ижрода бўлаётгани санъаткорлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклади. Келгусида Италия академиялари билан шартномалар тузиб, уларнинг ўқитиш услубини юртимизга олиб келиш ниятимиз ҳам бор.

**– Пиязовлар оила аъзоларининг танглайи мусиқа билан кўтарилган, дейишади. Фарзандларингизнинг мусиқага муносабати қандай?**

– Оиламизни санъаткорлар оиласи дейишади. Отам Нукус шаҳридаги 1-сонли мусиқа мактаби ўқитувчиси, онам эса Нукус шаҳридаги Мукаллес ансамбли созандаси. Оилада 6 фарзандмиз. Барчамиз санъатимиз равнақи йўлида баҳоли қудрат хизмат қилиб келяпмиз. Укаларим Жанибек ва Акилбек ҳам санъат йўлидан бориб, «Ниҳол» давлат мукофотига сазовор бўлган.

Фарзандларимда ҳозирдан санъатга қизиқиш бўлса-да, улар ҳали ёш. Шу сабабли олдиндан бир нарса дейишим қийин. Аммо ўйлайманки, бу анъанани улар ҳам давом эттиради...

**– Сиз иштирок этган телекўрсатувларда ҳазил-мутойибага уста эканлигингизга гувоҳ бўлганмиз. Ҳаётда ҳам ҳазилкашмисиз?**

– Хушчақчақлик, ҳазил-мутойибага мойиллик отамдан ўтган бўлса керак. Юзи тунд, кибру ҳаво, манманликка берилган кимсалардан ҳеч қачон яхшилик чиқмаслигига тарих гувоҳ. Тасаввур қилинг, кутилмаганда муаммо пайдо бўлиб қолди. Биз хафа бўлиб қайғурсак, у камайиб қоладими? Ё кимгадир зарда қилишимиздан не наф? Шундай экан, ҳар нарсани борича қабул қилиш керак, деб ўйлайман. Дарвоқе, бизда бу нарса овознинг сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Кези келганда, ҳаётдаги шиорим «Муаммо йўқ!» эканлигини ҳам айтиб ўтишни истардим...

**Шерзод АБДУСАМАДОВ суҳбатлашди.**

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ УММОНИ

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти жамоаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасида кўплаб илмий, маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири – институт курсантлари ва муддатли ҳарбий хизматчилари ўртасида «Бобур мероси – маънавият ва маърифат уммони» мавзусидаги кўрик-танлов пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи вакиллари ҳамда Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти офицер ва курсантлари иштирок этди.

Кўрик-танловнинг биринчи шартида жамоалар томонидан турли бадиий ва саҳнавий чиқишлар орқали шоҳ ва шоирга таъриф берилиб, унинг ҳаёт йўли ҳақида маълумотлар тақдим этилди. Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган саволларга жавоб бериш иккинчи шарт асосини ташкил этиб, ҳар бир жамоанинг чиқиши ҳакамлар ҳайъати томонидан холислик билан баҳоланди. Учинчи шартга кўра эса жамоалар буюк бобокалонимизнинг ҳаётига оид саҳна кўринишларини ижро этдилар.

Кўрик-танлов якунига кўра 3-ўрин «Темурийлар» жамоасига, 2-ўрин «Буюк шажара» жамоасига насиб этди. Фахрли 1-ўринни эса «Амирзодалар» жамоаси эгаллади. Ғолиб жамоалар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.



## ЧУЧВАРАНИ ХОМ САНАШГАН ЭДИ...

Ҳеч кимга сир эмаски, Янги йил байрами яқинлашгани сайин пиротехника воситаларининг ноқонуний савдоси «жонланиб қолади». Бугунги кунда қонуний чекловларни менсимаган баъзи «уддабуронлар» мўмай даромад илинжида пиротехника савдоси билан «ҳеч ким билмайди» қабилида шуғулланмоқда. Охир-оқибат уларнинг қилмишлари фош бўлиб, бош эгиб қолмоқдалар. Республикамиз бўйлаб Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда олиб бораётган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида бундай «учарлар»нинг фаолиятига чек қўйилмоқда.

Хусусан, яқинда Фарғона вилоятида Миллий гвардия ва Божхона бошқармаси масъул ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида «Марғилон–Фарғона» йўналишида ҳаракатланиб келаётган фуқаро Х.О. бошқарувидаги «Ласетти» русумли автомашина кузатувга олинди. Автоулов Фарғона шаҳрининг Қиргули мавзеси ҳудудидаги кўп қаватли уйлар орасида тўхтаган вақтида белгиланган тартибда холислар иштирокида кўздан кечирилди. Шунда ушбу автомашинада йўловчи сифатида келган Фарғона вилояти Қўштепа туманида яшовчи фуқаро М.М.га тегишли бўлган ва ноқонуний равишда Қирғизистон Республикасидан айланма йўллар орқали олиб кирилган, қиймати 18 миллион сўмлик 240 блокда «Британик» номли пиротехника воситалари борлиги аниқланди. Мазкур пиротехника воситалари ашёвий далил тариқасида олиб қўйилиб, вақтинча сақловга топширилган.

Шу каби тезкор тадбирлар давомида «Марғилон–Фарғона» йўналишида ҳаракатланаётган фуқаро У.С. бошқарувидаги «Нексия» русумли, автомашина ходимларда шубҳа уйғотди. Бу бежиз эмас экан. Чунки автоулов биринчи ҳолатдаги каби Фарғона шаҳар Қиргули мавзесида тўхтатилиб, холислар иштирокида кўздан кечирилганда, унда йўловчи сифатида кетаётган Марғилон шаҳрида яшовчи фуқаро С.Г.га тегишли бўлган, ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, қиймати 21 миллион сўмлик 940 пачка «Британик» номли пиротехника воситалари борлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олиб қўйилган.





Юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан ҳозирда вилоят Божхона бошқармаси масъул ходимлари томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Агар нафси ҳакалак отган бу кимсаларнинг қилмишига ўз вақтида чек қўйилмаганда, ким билади дейсиз, ушбу пақилдоқлар қанчалаб кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин эди.

## БОЛАЖОНЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

Азалдан халқимиз болажонлиги билан ном қозонган. Мамлакатимизда ёш авлоднинг фаровон ҳаётини, комил инсон бўлиб вояга етишини таъминлаш борасида кўплаб ибратли, савобли ишлар амалга оширилмоқда. 20 ноябрь – Бутунжаҳон болалар куни муносабати билан Республикамиз бўйлаб Миллий гвардия бошқармалари томонидан юрт келажаги эгалари учун байрам тадбирлари уюштирилди.



Миллий гвардиянинг Бухоро вилояти бўйича бошқармаси ҳамда Ромитан туман ҳокимлиги ҳамкорлигида болалар ва ёшларни жисмоний маданият ҳамда спортга бўлган қизиқишини янада ошириш, уларда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида турли спорт тўгараклари ташкил этилди.

Фарғона вилоятида эса Миллий гвардиянинг Қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан банк биноларига фарзандлари билан ташриф буюрган мижозларни кутиб олиш баробарида байрам муносабати билан болажонларга турли совғалар туҳфа қилинди. Миллий гвардиянинг Хоразм вилояти бўйича бошқармаси ташаббуси билан расмлар танлови ўтказилди. Тадбирда фаол қатнашган болажонларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.



## ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Саломатликнинг гарови бўлган спорт, айниқса, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқ-тартибот ходимлари ва ёшлар ҳаётида катта аҳамият касб этади. Шунинг учун улар ўртасида спортни кенг оммалаштириш борасида республикамиз бўйлаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Андижон вилоятида ҳарбий прокуратура ташаббуси билан гарнизон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва муассаса ҳарбий хизматчилари ўртасида кураш мусобақаси ўтказилди. Мусобақа иштирокчилари 70–80 кг, 80–90 кг, 91 кг ва ундан юқори вазн тоифаларида беллашдилар. Мусосасиз беллашув натижаларига кўра умумжамоа ҳисобида Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари биринчи ўринни қўлга киритди. Бу каби тадбирлар энди гарнизон ҳудудидаги ёшлар ўртасида давом этмоқда.



Саҳифа материалларини лейтенант Нозима МАҲМУДОВА тайёрлади.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

# ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Замонавий тенденциялар таҳлилига кўра, дунёдаги етакчи давлатларнинг илғор иш тажрибалари жамиятда жиноятчиликка қарши кураш соҳасининг самарадорлиги тизимлашган ахборот базасининг қанчалик такомиллашганлигига боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларни биометрик маълумотлари бўйича қайд этишнинг замонавий усуллари кенг жорий қилиб келинмоқда. Жумладан, амалдаги биометрик паспорт тизимида шахснинг бармоқ излари ва ташқи қиёфа белгилари бўйича қайд этиб келинмоқда. Албатта, давлат рўйхатига олиш жараёнларида фуқароларнинг умумэътироф этилган ҳуқуқ-эркинликлари ва қонунийлик принципларига амал қилган ҳолда, шахснинг қадр-қимматини камситмайдиган ва соғлиғига зарар келтирмайдиган илмий-техникавий усуллардан фойдаланилади.**

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этаётган жиноятчилар ҳодиса жойларида ўз изларини қолдирмаслик мақсадида турли хил усуллардан фойдаланмоқда. Фош этилмаган жиноятлар эса жиноятчиларда жазоланмаслик ҳиссини кучайтириб, келгуси жиноий фаолиятини давом эттиришга имкон бермоқда.

Жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни биометрик маълумотлар асосида криминалистик ҳисобга олиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали шаклларидан биридир. Агарки шахс ўзининг биометрик маълумотлари қонунийлик асосида давлат рўйхатига олинганлигини ҳис этса ва ҳар қандай жиноий қилмиши фош этилишини олдиндан англаб етса, аксарият вазиятларда жиноят қилишдан тийилади.

Бугунги кунда дунёда фуқароларни геном маълумотлари бўйича давлат рўйхатига олиш энг замонавий усуллардан бири ҳисобланади.

2020 йил 24 ноябрь куни давлатимиз раҳбари томонидан «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни имзоланди. Таъкидлаш лозимки, мазкур қонун лойиҳаси 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 58-банди ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган.

Қонуннинг мақсади геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги муносабатларни қонуний тартибга солиш, биологик материални олиш, қайд этиш, ундан фойдаланиш, геном ахборотига ишлов бериш, геном ахборотини ягона маълумотлар базасини яратиш ва инсон шахсини идентификация қилишдан иборат.

Қонунга мувофиқ, геном бўйича давлат рўйхатига олиш мажбурий ва ихтиёрий равишда амалга оширилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:
*Геном ахбороти бу – одамнинг ёки таниб олинмаган мурданинг биологик материалидан олинган дезоксирибонуклеин кислотасининг (бундан буён матнда ДНК деб юритилади) муайян қисмлари тўғрисидаги кодланган ахборотни ўз ичига олган шахсга доир маълумотлар.*

Мажбурий равишда қуйидагилар рўйхатга олинади:

– оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида жалб қилинган шахслар, оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун, шунингдек жинсий эркинликка қарши, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ва 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир қилиш жиноятларини содир этганлиги учун судланган шахслар;

– номаълум шахслардан терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида олинган биологик материаллар;

– таниб олинмаган мурдалар (тана қолдиқлари, қисмлари).

Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни олиб борувчи органлар ва судларнинг сўровига асосан мажбурий рўйхатга олинаётган шахсларнинг геном ахбороти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Адлия ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан одам ДНК суд-биологик экспертизаси ўтказиш орқали олинади ҳамда якунда маълумотлар базасига Ички ишлар вазирлиги томонидан киритилади.

Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва судлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида экспертиза тадқиқотлари учун намуналар олиш бўйича белгиланган талабларга риоя этишга мажбур.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистонда яшаётган ёки вақтинча яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ёзма аризалари асосида пуллик амалга оширилади. Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш амалга оширилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб ва миқдорларда ҳақ ундирилади. Эътиборли томони шундаки, бедарак йўқолган шахсларни қидиришга кўмаклашиш мақсадида уларнинг биологик қариндошлари бепул асосда геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишдан ўтиши мумкин.

Геном ахборотидан жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш ва уларни содир этганларнинг шахсини аниқлаш, бедарак йўқолган фуқароларни қидириш, номаълум мурдаларнинг шахсини, шахснинг биологик қариндошлигини аниқлаш мақсадларида фойдаланилади.

Ушбу қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши геном ахбороти маълумотлар базасидан фойдаланиш республика ҳудудида содир этилган жиноятларни биологик ашёвий далиллар бўйича фош этишда ва қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлашда ижобий натижа беради. Умуман олганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тезкор-қидирув фаолиятида қонунийлик асосида шакллантирилган фуқароларнинг биометрик маълумотлари ҳақидаги маълумотлар базасидан фойдаланиш мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонун 2023 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Мухтор АБДУРАҲИМОВ,**
**подполковник.**

ЭКСПЕРТНО-КРИМИНАЛИСТИЧЕСКАЯ СЛУЖБА

# Пример для подражания

**Многие опытные сотрудники органов внутренних дел являются примером для коллег благодаря высокому профессионализму и выдающимся человеческим качествам. Один из них – начальник ЭКО УВД Бухарской области подполковник Бобир Фатуллаев.**



В 1995 году, после окончания Казанского государственного университета, молодой Бобир получил направление в бюро судебно-медицинской экспертизы Бухарской области, где работал экспертом вплоть до 2002 года. Накопив богатый опыт, он продолжил деятельность в сфере экспертной криминалистики: был экспертом, старшим экспертом, заместителем начальника, а с 2018-го – стал начальником ЭКО УВД Бухарской области.

За истекшие месяцы текущего года специалисты отдела выполнили 1607 криминалистических экспертиз и специальных иследований, 1786 раз осматривали места происшествий, участвовали в 6009 следственных действиях и 23 450 оперативно-розыскных мероприятиях. В результате были установлены личности 26 трупов, раскрыты 11 ранее нераскрытых преступлений. Криминалисты приняли участие и проявили активность, работая в Каракульском районе, наиболее пострадавшем от стихийного бедствия, произошедшего в конце апреля этого года.

Криминалисты играют важную роль в раскрытии преступлений, – говорит подполковник Бобир Фатуллаев. – Они проводят исследования, каждое из которых – маленькая научная работа, требующая глубоких знаний и высокой квалификации. Их кропотливый труд и умственный потенциал являются фактором общего успеха.

Сверка дактокарт, регулярно вводимых в базу данных АДИС «СОНДА», с отпечатками пальцев, полученных по ранее нераскрытым преступлениям, дает свои плоды. Так, недавно выяснилось, что три из семи введенных отпечатков пальцев принадлежат жителю МСГ «Чандир» Рамитанского района, ранее судимому М. Б. Были приняты соответствующие меры.

Можно привести еще много примеров эффективной работы сотрудников ЭКО УВД Бухарской области, которым руководит подполковник Б. Фатуллаев. За отличную службу герой нашего повествования не раз был отмечен руководством, а недавно был награжден нагрудным знаком «Мехр-саховат».

**Мирзокул АХАДОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Бухарская область.*

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИДА

# ТАШАББУСНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

Бугунги кунда республикамиздаги бошқа жазони ижро этиш муассасаларида бўлгани каби Сирдарё вилояти ИИБ 40-сон манзил-колониясида ҳам маҳкумларни иш ва ётоқ жой билан тўлиқ таъминлаш, касб ҳунарга ўргатиш, уларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, йўлида қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қарор ва фармонларига асосан колония ҳузурида «Зиё нур агро саноат» давлат унитар корхонаси ташкил этилган. Қуёнчилик, паррандачилик, боғдорчилик, майда шохли моллар ҳамда зотдор отларни боқиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари йўналишларида озодликдан маҳрум этилган шахслар касб-ҳунарга ўргатилмоқда.

Қолаверса, маҳкумлар иш билан таъминланибгина қолмай, балки уларнинг фикрларига ҳам қулоқ тутилиб, ташаббуслари қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Бу эса самарадорликни оширишда қўл келяпти. Масалан, маҳкум М. Раҳимов колония бошлиғига ва ДУК директорига мурожаат қилиб, паррандачилик фермаси ташкил этишни таклиф қилди. У мурожаатида бу соҳада етарли билими борлигини, ферма ташкил қилинса ишларни ўзи юритишини билдирди. Маҳкумнинг бу борадаги режалари, билими синаб кўрилгач, зарур кўмак берилди.

— Дастлаб мен жазо муддатимни 2-сон ЖИЭКда ўтаганман, – дейди М. Раҳимов. — Ўша пайтларда муассаса кутубхонасида паррандачиликка оид китобларни мутолаа қилиб, бу соҳанинг сир-асрорларини ўргандим. Озодликка чиқсам, паррандачилик билан шуғулланишни дилимга тугиб қўйгандим. Бу ерга келтирилганимдан сўнг, шарт-шароитларни кўриб, колония раҳбариятига мурожаат қилдим. Таклифимни инобатга олиб, зарур кўмак беришгани мени руҳлантириб юборди.

Кўп ўтмай колонияда 10 минг дона товуқ боқишга мўлжалланган ферма қуриб битказилди. Тухум олиш учун боқиладиган жўжалар келтирилди. Ташаббускор йигитга жўжаларни парваришлашда ўқиб-ўрганганлари, қолаверса, бу соҳада яхшигина тажрибага эга устози ҳам борлиги қўл келди. Яъни бир пайтлар мазкур колонияда жазо муддатини ўтаб, ҳозирда озодликка чиққан С. Шакаров ҳам унга маслаҳатлар бериб турди. Бугунги кунда сифатли тухум маҳсулотлари етиштирилиб, республикамиз ҳудудидаги бошқа жазони ижро этиш колониялари ҳам таъминланиб келинмоқда.



— Яхши боқилса, урғочи қуён тўрт ойда 4-5 килограмм, эркаги 8 килограммгача тош босади. Бундан даромадни чамалаш қийин эмас. Бир килограмм қуён гўшти бозорда 30 минг сўм атрофида туради...

Манзил-колонияда жазо муддатини ўтаётган С. Ҳамураев эса қуёнчилик соҳаси билан шуғулланиб, яхшигина тажриба тўплади.

— Вазифам бу ердаги зотдор қуёнларни парваришлашдан иборат. Янги ишимга катта қизиқиш, ўзгача ғайрат билан киришганим қуёнчилик соҳасини тез ўрганишимда қўл келди, — дейди С. Ҳамураев. — Аввало, колония кутубхонасидаги қуёнчилик ҳақидаги қўлланмалар, китоблар билан танишиб чиқдим. Бу жонивор тез кўпаяди. Яхши боқилса, урғочи қуён тўрт ойда 4–5 килограмм, эркаги 8 килограммгача тош босади. Бундан даромадни чамалаш қийин эмас. Бир килограмм қуён гўшти бозорда 30 минг сўм атрофида туради. Масалан, 100 бош эркаги ўртача 800 килограмм гўшт қилади. Бу ўртача 24 миллион сўм, дегани. Эндиликда уларнинг терисини ошлаш, қайта ишлашни ўзлаштираяпман.

Таъкидлаш жоизки, колонияда ўзи учун мутлақо нотаниш бўлган соҳаларни ўрганиб, яхшигина тажриба орттирганлар кўп. Бу эса уларнинг озодликка чиқиб, жамиятга тезда мослашиб кетишида, фойдали меҳнат билан шуғулланиб, одамларга манфаат келтиришида муҳим омил бўляпти. Зеро, жазони ижро этиш муассасаларида хизмат қилаётган ходимларнинг асосий мақсади ҳам шу.

**Мурод МАНСУРОВ,**
**катта лейтенант.**

БУ – ҚИЗИҚ!

## ТУШОВИ ҚИММАТГА ТУШМАСА...

Ҳаммага маълумки, турли пластик идишлар инсон фаолияти натижасида юзага келадиган энг зарарли чиқиндилардан ҳисобланади. Айниқса, экологияга унинг зиёни кўп. Дунё океанида ҳатто пластик идишлардан бутун бошли ороллар пайдо бўлган. Ўрмонлар-ку, бундай чиқиндиларга тўлиб кетган. Уларнинг табиий равишда йўқ бўлиб кетишига бир неча юз йил талаб этилади.

Баъзи маълумотларга қараганда, хитойлик олимлар мазкур муаммонинг ечимини топганга ўхшайди. Чин мамлакатида ғаройиб пластик ихтиро қилинибди. Ушбу пластик сувда қисқа муддатда эриб, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган моддаларга ажралиб кетаркан. Унақада ушбу пластикдан ясалган идишларга сув қўйиб бўлмас экан-да. Ишқилиб, тушови қимматга тушмаса – янги пластикни ишлаб чиқариш жуда қимматга тушмаса бас...

## ИККИ ҚЎЧҚОРНИНГ БОШИ

Британиялик футуролог (илмий башоратчи) Йен Пирсоннинг фикрича, яқин келажакда инсон руҳи мангулик касб этиши мумкин. Яъни сунъий интеллектнинг тез ривожланиб бораётгани инсон ўлганидан кейин унинг тафаккурини электрон ташувчига ўтказиш имконини беради. Бундай технологиялар 2050 йилларга бориб яратилиши мумкин экан.

Фақат, олимнинг таъкидлашича, масаланинг бир нозик жиҳати бор. Гап шундаки, сунъий интеллект мустақил равишда ўйлай олади. Рақамли кенгликда инсон тафаккури пайдо бўлгач, иккала интеллект ўртасида низо келиб чиқиши мумкин. Натижада инсон тафаккури сунъий интеллектга тобе бўлиши, ҳатто унинг қулига айланиши эҳтимоли ниҳоятда юқори. «Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас» деб шунга айтишса керак-да. Ана шу муаммо ҳал этилса, истаган одамнинг тафаккури мангу яшаб қолиши мумкин.

**Бобомурод ТОШЕВ тайёрлади.**




## 8 декабрь –

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

## Дунёнинг турли давлатлари конституцияси ҳақида қизиқарли фактлар



1. Кўпчилик дунёдаги илк Конституция АҚШда ишлаб чиқилган деб ҳисоблайди, бироқ бундай эмас. Энг қадимги Конституция Польшага тегишли. У 1792 йилда қабул қилинган.




2. Европа Иттифоқи Конституцияси устида Европанинг энг етук мутахассислари ишлашган. У 2004 йилнинг июнида ЕИнинг махсус саммитида маъқулланган. Ҳужжат дарҳол 20 та тилга ўгирилди ва дунёдаги энг кенг ва кўп томонлама ҳужжатга айланди. Бироқ, ушбу ҳужжат умумевропа фикрининг пайдо бўлишига ҳисса қўшолмади. Европа мамлакатлари умуммиллий референдумида етарли овоз тўплолмади.



3. Исроилда ягона Конституция ўрнига асосий қонунлар тўплами амал қилади. Чунки ҳукумат диний ва дунёвий қонунлар ўртасидаги зиддиятни бир ҳужжат доирасида ҳал этиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди.



4. Ҳиндистон Конституцияси 1950 йилда қабул қилинган. У ҳажми бўйича дунёдаги энг катта Асосий қонун.



5. Япония Конституциясининг уч асосий тамойили бор: халқ суверенитети, инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, пацифизм (миллатнинг суверен ҳуқуқи сифатида урушдан воз кечиш).



6. Британия Конституциясининг ўзига хос жиҳати мамлакат Асосий қонуни деб аташ мумкин бўлган ягона ҳужжатнинг мавжуд эмаслигидир.




7. АҚШ Конституциясида «демократия» сўзи ёдга олинмаган. Бундан ташқари, ушбу ҳужжат рекорд даражада қисқа бўлиб, 4,4 мингта сўздан иборат.



8. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси собиқ иттифоқ минтақасида биринчи бўлиб қабул қилинган.



9. Эквадор табиат ҳуқуқини Конституция билан мустаҳкамлаган дунёдаги илк мамлакатга айланган.



10. Мальта Конституцияси ўз мамлакатини нейтрал, тинчлик сари интилувчи сифатида белгилайди.

11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси матни 7543 та сўздан таркиб топган. Бунда «республика» сўзи – 390, Ўзбекистон – 354, қонун – 210, давлат – 98, ҳуқуқ – 90, конституция – 70, фуқаро – 66, Президент – 62, Қорақалпоғистон – 33, шахс – 32, эркин(лик) – 27, халқ – 24, демократия – 7 маротаба қўлланган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ



# «Служу великой Родине и славному народу»

## – говорит рядовой Турдиев



**Сотрудникам патрульно-постовой службы, ответственным за обеспечение безопасности граждан и охраны общественного порядка, в ходе несения службы порой приходится сталкиваться с неординарными ситуациями, людьми, обладающими различным нравом, характером, попадающими в непредсказуемые жизненные ситуации. Они всегда среди людей, поэтому первое, что им приходится делать, – это сохранять спокойствие, уравновешенность.**

– К примеру, недавно на патрулируемом нами участке заметили человека, который находится в розыске за совершение правонарушения, – рассказывает рядовой-сотрудник 3-го отряда 4-го батальона строевых подразделений бригады патрульно-постовой службы УППСиООП ГУВД г. Ташкента рядовой Нурбек Турдиев. – Если бы в этот момент мы позволили строгость в общении с ним, то могли столкнуться с неадекватной реакцией с его стороны. В первую очередь, в таких моменты могут пострадать окружающие люди. На месте по базе пробили его личность. Оказалось, что он действительно находится в розыске в качестве обвиняемого. Я попросил пройти его с нами в отделение для выяснения обстоятельств, был при этом предельно вежлив. Когда пришли в подразделение, оформили документы и передали его в руки сотрудников соответствующих служб.

В беседе с Нурбеком я узнала много интересного о его деятельности. Многие из нас по телевидению смотрят передачи о проводимых рейдах. Порой омрачает то, что некоторые граждане в общении с сотрудниками позволяют себе излишнюю грубость, мало того, выражаются нецензурно, занимаются рукоприкладством. Хотя в этот момент сотрудники выполняют свои служебные обязанности, обеспечивая общественный порядок.

– В такие моменты нельзя расслабляться, только благодаря сдержанности, можно достойно выйти из ситуации. Вам грубят, а вы в ответ: «Уважаемый гражданин…», – продолжает Нурбек. – Вы просто обязаны сохранять невозмутимость, не давая волю эмоциям, потому как на ваших плечах – авторитет сотрудника органов внутренних дел. Мои наставники, старшие сослуживцы учили, что в общении с гражданами важна интуиция, необходимо в считанные минуты понять темперамент, характер человека, с которым общаешься, кого призываешь к порядку, хорошему поведению. Узнав его, можно наладить общение, добиться необходимого результата. Некоторым безразлично, что могут подумать о них люди, ведут себя вызывающе, попробуй призвать их к порядку. В течение службы становишься своего рода психологом, набираешься опыта работы с людьми.

Мой собеседник за годы службы, а служит он в органах внутренних дел с 2008 года, сталкивался с различными ситуациями. Они давали ему силы и опыт, которые так необходимы в его нелегкой службе. Некогда примерявший форменную одежду дяди, мечтая о службе в органах внутренних дел, он сегодня считается одним из образцовых и опытных сотрудников подразделения патрульно-постовой службы. Вырос Нурбек Турдиев в Кашкадарье. В юношеские годы его семья переехала в Ташкент, с тех пор он столичный житель.

В течение служебной деятельности Нурбек снискал уважение своих сослуживцев как надежный, добропорядочный человек, способный поддержать коллегу в любой ситуации. За самоотверженную службу он отмечен высокой наградой Родины – медалью «Шухрат». Считаем, что награда нашла своего героя.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото Абу КЕНЖАЕВА.**

МЕРОПРИЯТИЕ

# СОВМЕСТНОЕ РЕШЕНИЕ ПРОБЛЕМ





**Рабочая группа из числа ответственных сотрудников МВД и Национальной гвардии Республики Узбекистан, а также Министерства по поддержке махалли и семьи во главе с заместителем министра внутренних дел генерал-майором А. Икромовым посетила Навоийскую область.**

В зале заседаний областного хокимията прошло собрание с участием руководителей городских и районных отделов по поддержке махалли и семьи и их заместителей. Были согласованы поставленные цели и задачи, а также вопросы, которые предстоит изучить на местах. В частности, даны соответствующие поручения по предупреждению преступности и реализации принципа: «Благоустроенная и безопасная махалля».

Во встречах с молодыми инспекторами профилактики, только вступившими в должность, отмечалось, что для их плодотворной и эффективной службы созданы все необходимые условия, поэтому они должны ответственно относиться к должностным обязанностям.

В торжественной обстановке им вручили Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности, а также служебные портфели.

Компетентные члены рабочей группы ознакомились с обязанностями инспекторов профилактики, в ведении которых находятся махалли Дустлик – Учкудукского, Эшон Судур и Амир Темур – Нуратинского, Калконота и Мирзо Улугбек – Навбахорского районов области.



Состоялось подробное ознакомление с проводимой работой, организационными мероприятиями, правовыми актами, деятельностью инспекторов профилактики УПП УВД Навоийской области, ОВД № 4 УКД ОВД города Навои, старших инспекторов по вопросам женщин, а также работников городского отдела по поддержке махалли и семьи.

В рамках Месячника борьбы с преступностью и совершенствования служебной деятельности, в целях поддержания общественного порядка, обеспечения безопасности дорожного движения и повышения эффективности профилактики преступности, в УКД ОВД города Навои был проведен инструктаж. В ходе инструктажа сотрудникам были розданы поручения по работе, которая должна быть проделана совместно с махаллей, поставлены задачи по предупреждению правонарушений и преступности на рынках города, объектах сферы обслуживания, в магазинах.

**Дилрабо АБДУХАМИДОВА,**
**рядовая.**
*Навоийская область.*

## 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН

# «ЮРТИМ, ТУРОНИМ, СЕНИНГ УЧУН ЎЛМОҚ – МЕНИНГ ТИРИКЛИГИМДУР»

**Ватанпарвар инсонларни тарбиялашда халқимизнинг тарихий мероси катта аҳамиятга эга. Шу сабабли тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.**

2018 йил 23 февралда эълон қилинган «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси»да ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш, қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш кабилар асосий вазифалар этиб белгиланган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: «ватан» – кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри, она юрти, диёри, ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, турар жой, бошпана, маскан, уй» маъноларини ифодалаши кўрсатилган.

Аслида «ватан» сўзи кенг қамровли тушунчадир.



Унинг барча маъно-мазмунларини ёшларга тушунтириб бериш керак. Шу тариқа, ёшларимиз Ватан – аждодларимизнинг ва биз учун қадрли бўлган инсонларнинг хокипойи қўйилган муқаддас замин, вақтисоати етиб келганда эса ҳар биримиз бошимизни қўядиган майин тупроқ эканини чуқур англаб етиши лозим.

Инсон улғайган сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчалари ҳам кенгая боради. Лекин алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда туғилиб ўсган ҳар бир инсон «Ватаним» деганида, ўз уйини, қишлоғини ёки шаҳрини эмас, балки Ўзбекистон Республикасини назарда тутади. Бу эса Ватан туйғусининг, ватанпарварликнинг халқимиз қалбидаги ифодасидир.

Ватан туйғуси – бу азиз ва гўзал юртимизга ҳурмат ва



садоқатли бўлишликдир. Ватан туйғуси – бу Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ва ҳозирда Ўзбекистон дея аталган заминда яшаб келаётган халқимизнинг олтин меросини, унинг тарихи, бугуни ва эртасини ўрганишга интилишдир.

Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик сингари халқимизнинг мард ва жасур фарзандлари биз учун, ўсиб келаётган ёш авлод учун ўрнак-намуна тимсолидир. Масалан, бобомиз Нажмиддин Кубронинг ўчмас жасоратини эслайлик: «Бир ўқ келиб кўкрагига тегади. Етмиш беш яшар мўйсафид – илоҳий илҳомдан маърифат топиб, қалбларни нурлантирган шайхи кабир ҳолдан тойиб, кучи кетаётганини сезса ҳам, жангни тўхтатмай, душман байроғини ғазаб билан маҳкам тутамлаб олади-да, шу ҳолатда жон беради. Дейдиларким, вафотидан кейин ўнта одам унинг маҳкам қисилган панжалари орасидан байроқни зўрға ажратиб олган». Бу жасорат замирида она Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат туйғуси ётади.

Ўз даврида Фитрат «Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ – менинг ўлимим, сенинг учун ўлмоқ – менинг тириклигимдур», деб ёзган эди. Бу сўзларга эътибор қаратсак, улар асл ватанпарвар инсоннинг қалб нолалари эканини ҳис этамиз.

Ўсиб келаётган ёшларни, яъни ватанимизнинг бўлғуси ҳимоячиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – давр талаби. Ватанпарварлик инсоннинг ўз оиласига, авлод-аждодларининг ор-номусига чуқур эҳтироми, виждонига, бурчига ва ўз сўзига содиқлигидир. Агар инсонни болалик чоғидан ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ҳамда ҳурмат руҳида тарбия қилмасак, унда ватанпарварлик ҳисси бўлмайди.

Ватан ҳисси инсонга Ватанидан олисда бўлганида яққол сезилади. Турли сабаблар билан ўз Ватанини тарк этиб, ўзга юртларда яшаган кўплаб ватандошларимизнинг ҳаёти аянчли ва қайғули кечгани бизга тарихдан маълум. Бунинг ифодасини буюк салтанат эгаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ҳам кўрамиз. Бобур ҳисобсиз бойлик, беқиёс мартаба ва барча имкониятларга эга бўлишига қарамай, туғилиб ўсган Ватанидан олисда бўлгани учун ўзини бахтиёр инсон, деб ҳисобламайди.

Ватан равнақи миллий ғоямизнинг юксак тушунчаларидан бири бўлиб, у фуқароларимизнинг билими ва камолига боғлиқ. Ҳар бир юртдошимиз, қайси соҳада хизмат қилишидан қатъи назар, бу ҳақиқатни тўлиқ англаган ҳолда, ўзининг маънавий камолоти учун масъулиятни ҳис этиши, шахсий манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшаши ва ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам комил инсон этиб тарбиялаши лозим. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади», дея бу жараёнга юксак баҳо берган.

**Шуҳрат БУРҲОНОВ,**
**ИИВ Сирдарё академик лицейи директорининг ўринбосари.**

## АКС-САДО

# «МАҲАЛЛАНИНГ БОШИГАЧА» СИЙЛОВ...

**«Postda–На посту» газетасининг ҳар бир сонини ўзгача иштиёқ билан ўқийман. Чунки унинг саҳифаларида куннинг энг долзарб мавзулари ёритилади. Газетанинг 2020 йил 15 октябрь сонида чоп этилган «Боламни хурсанд қиламан деб...» мақоласи ҳам кўпчиликни ўйлантираётган муҳим мавзуга бағишланган. Мақолани ўқирканман, бир пайтлар маҳалламизда юз берган воқеалар худди кино тасмасидек кўз олдимдан ўтди...**

Ўшанда қўшнимизнинг ўн уч ёш ўғли отасининг янги машинасини уйдан олиб чиқиб, катта йўлда тезликни оширган ва бошқарувни йўқотиб, симёғочга урилганди. Фалокат оёқ остида деганларди шу бўлса керак-да, боланинг қўл-оёқлари жиддий жароҳатланганди. У узоқ вақт шифокорлар назоратида бўлди. Жароҳатлар ўрни деярли битди, аммо ўнг оёғи бироз оқсоқланиб юрадиган бўлиб қолди. Энг ёмони, шу бола улғайиб балоғатга етганда, ўғлига келин ахтариб чарчаган она гап орасида «Яхши қизлар кўп, аммо учрашувда кўпчилиги Нодиржоннинг бироз оқсоқланиб юришини кўриб, рози бўлмаяпти», дея ўксиганди...



Бу ҳақда гапирганда, негадир қўшнимнинг, тўғрироғи, турмуш ўртоғининг айби бордек туюлаверади. Чунки у кўпинча машина бошқараётиб, ўғлини олдига ўтқазиб оларди. «Ҳой фалончи, болани орқага олинг», дея кимдир танбеҳ берса, «Маҳалланинг бошигача», дея беписандлик билан йўлида давом этганига кўп бора гувоҳ бўлганман. Шу боис «Маҳалланинг бошигача», деган сийловдан талтайиб, боланинг машина бошқаришга бўлган иштиёқи уни уйдан яширинча олиб чиқиб, ўзбошимчалик билан бошқариш даражасига етмадимикин, деган фикр мени кўп ўйлантиради...

Эҳтимол орамизда кимнингдир ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни ёзишдан энди нима наф дейдиганлар ҳам топилар. Аммо инсонга ўз айби кўринмаслигини, ҳаётда бир-биримизга кўзгу эканлигимизни асло унутмаслигимиз керак.

Фарзанд тарбиясида оиладаги муҳит, ота-онанинг гап-сўзидан тортиб, ҳар бир хатти-ҳаракати муҳим аҳамиятга эга. Тан олишимиз керак, асосан оталар ўғлининг тезроқ автомашина бошқаришини хоҳлайди. Бола табиатида эса ўзи учун қизиқ нарсага катталарда салгина рўйхушлик сезилиши кифоя.

Суриштириб кўрилса, кўпчиликда ҳайдовчиликка қизиқиш ҳали ўспиринлик вақтидаёқ, отаси ёки бошқа бирор яқинининг шахсий улови рулига бир бора ўтириб кўрищдан бошланган бўлади. Агар ўспиринлик даврининг беқарор кайфиятини инобатга олсак, кўпинча «транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи» тушунчасининг қизиқишлар соясида қолиб кетиши бу борадаги мавжуд қоидаларнинг бузилишига сабаб бўлади.

Ота-она кўздек авайлаган фарзандига фақат яхшиликлар соғинади. Унинг ҳар томонлама етук инсон бўлиши учун қўлидан келганича елиб-югуриб, ҳаракат қилади. Бироқ кези келганда, бола тарбиясида нима яхшию, нима ёмонлигини ҳам ўйлаб кўриш керак. Айниқса, автомашина рулини унга тутқазишга келганда...

Бу борада эътиборсизлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб ўйлайман. Токи, у хоҳ ота-она, хоҳ ака-ука бўлсин, бир-биримизга раво кўрганларимиз дилларни маҳзун этиб, беихтиёр қалб жароҳатига айланмасин. Балки кўзларда қувонч, фахр бўлиб балқсин. Бунда ҳар биримиз белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиб, зарур меъёрларни билсак, рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай кўнгилсизликларнинг олдини олган бўламиз.

**Наргиза УМАРОВА,**
**Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси.**



ГРАНИ МАСТЕРСТВА

# Необходимо должное воспитание

*«Каждому ребенку нужен мир, где можно смеяться, танцевать, петь, учиться и быть счастливым».*

**Малала ЮСУФЗАЙ.**

**Старший инспектор по делам несовершеннолетних ОВД № 3 УКД ОВД Сергелийского района г. Ташкента майор Муборак Азизова испытывает щемящее чувство, когда по долгу службы ей приходится бывать в неблагополучных семьях. Когда она встречается взглядом с ребенком, по воле судьбы лишенным родительского тепла и заботы, то готова сделать все от нее зависящее, чтобы помочь ему и, несмотря ни на что, увидеть на его лице улыбку…**

Что представляет собой работа с детьми и подростками? Сказать, что это трудно, значит, ничего не сказать. Прежде всего, это душевная боль, осознание тяжести всего происходящего, искреннее желание помочь и найти верный выход из сложившейся ситуации.

– Если ребенок не получает должного родительского воспитания, предоставлен самому себе и не контролируется со стороны взрослых, мы можем иметь в итоге плачевный результат, – говорит Муборак Гайратовна. – В этом я была убеждена всегда и реальное подтверждение тому вижу в ходе своей деятельности. К сожалению, есть родители, которые либо не занимаются детьми, либо делают это как бы нехотя, тем самым абсолютно теряя контроль над ситуацией. В этом случае ребенок начинает приобщаться к улице со всеми ее соблазнами, и тогда, что называется, жди беды. Так недобросовестные родители перекладывают основную долю ответственности на государственные органы.

Это утверждение абсолютно верно. Конечно, есть много причин, по которым ребенок не получает родительского воспитания, но в этой статье мы говорим о полных семьях, где есть отец, мать и все условия для того, чтобы в полной мере воспитывать детей. Но некоторые, увы, пренебрегают своими обязанностями, потому что заняты, потому что некогда или не хочется.

С детьми и подростками работать нелегко. У каждого свой характер, свои проблемы, мечты и желания. Ребенка очень легко обидеть, подтолкнуть его к необдуманным действиям, что может привести к непоправимому. Вследствие конфликта с родителями дети часто убегают из дома, бродяжничают, занимаются мелкими кражами и хулиганством. Инспектор по делам несовершеннолетних сотрудничает с семьей, школой, сходами граждан махалли и широкой общественностью. Он должен быть не только опытным сотрудником, но и психологом, учителем, наставником и мудрым человеком. На участке ответственности М. Азизовой находятся пять школ и столько же дошкольных учреждений, а потому к порученному делу она относится со всей ответственностью. Вместе с коллегами по работе проверяет посещаемость уроков, успеваемость, дисциплину. Также на контроле – времяпровождение детей, ситуация и атмосфера в семье.



– Каждый ребенок, находящийся в объективе нашего контроля, конечно же, имеет право выбора, – делится М. Азизова, – но нужно учесть, что кроме прав, у детей есть еще и обязанности, о которых они не должны забывать. Прежде всего, это поведение, законопослушание и учеба. Посещая семьи, мы всегда обращаем на это внимание, проводим профилактические беседы как с родителями, так и с детьми, совместно с другими заинтересованными организациями оказываем необходимую помощь.

У Муборак Азизовой – трое детей: Мафтуна, Даврон и Комилахон. Мафтуна и Даврон еще школьники, а Комилахон – совсем малышка. Глядя на них, Муборак Гайратовна думает о детях, с которыми ей доводится встречаться ежедневно. Как мать и сотрудник она от души желает им всем счастливого будущего, чтобы беды и несчастья обошли их стороной. И это самое главное!

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

ЧЕЛОВЕК НА СВОЕМ МЕСТЕ

# Детский доктор

**Стражи порядка Андижанской области и их дети хорошо знают врача-педиатра поликлиники Медицинского отдела УВД Андижанской области Рано Зарипову, так как она работает здесь без малого 25 лет. Некоторые сотрудники, будучи детьми, сами были пациентами детского доктора, а теперь, в случае надобности, ведут к ней своих ребятишек.**

Рано Максудовна – выпускница Андижанского государственного медицинского института. У нее не было проблем с выбором профессии, ведь отец, Максуд Мухамеджанович, всю жизнь проработал врачом-реаниматологом, а мама, Нажиба Закировна, была врачом-отоларингологом. Героиня нашего рассказа пошла по стопам родителей.

После окончания вуза Р. Зарипова проходила интернатуру в Андижанской областной детской больнице, потом 8 лет работала преподавателем кафедры субординатуры педиатрического факультета Андижанского государственного медицинского института, пока в 1996 году ее не пригласили в поликлинику Медицинского отдела УВД Андижанской области.

Рабочий день у детского доктора начинается с приема пациентов. Один день в неделю она посвящает воспитанникам детского дошкольного учреждения «Пахтаой» УВД Андижанской области.

У Рано Максудовны более 1,5 тысячи пациентов. Это дети не только сотрудников подразделений, но и прокуратуры, таможенного управления, войсковой части Войск МВД по обеспечению безопасности в международных аэропортах и подразделения Караульных войск.

Стоит отметить, что летом этого года в составе бригады врачей Рано Зарипова лечила больных коронавирусной инфекцией во временном госпитале МВД, расположенном в Юнусабадском районе города Ташкента.

Благодарственные слова бывших пациентов для нее – лучшее вознаграждние за бескорыстный труд.

– Работаем не за награды, – говорит Рано Максудовна. – Когда на глазах поправляется больной, испытываешь огромное удовлетворение.

Пользуясь случаем, Рано Зарипова рассказала, что для профилактики детских болезней следует ограничить контакты во время сезонных эпидемий вирусных инфекций: не ездить на общественном транспорте, не посещать крупные торговые центры, базары, чаще мыть руки, особенно после возвращения с улицы. Для прогулок следует выбирать немноголюдные парки, скверы, аллеи. И обязательно начинать свой день с зарядки, проводить выходные на природе, занимаясь спортом.

Важнейшая родительская задача – учить детей отдыхать с пользой для здоровья. А для этого необходимо помнить правило: «Если хочешь воспитать своего ребенка здоровым, сам иди по пути здоровья!»



**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент**
**«На посту».**

*Андижанская область.*

***На снимке:** врач-педиатр поликлиники Медицинского отдела УВД Андижанской области Р. Зарипова.*

**Фото автора.**

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

# «ФУҚАРОЛАР, ПУЛИНГИЗНИ ОМОНАТ КАССАДА САҚЛАНГ...»



**Фазлиддин (исмлар ўзгартирилди) муқаддам ўғирлик жиноятларини содир этган, бу қилмишлари учун бир неча бор суднинг қора курсисига ўтирган эди. Таассуфки, у бундан оқилона хулоса чиқармади. Бирон-бир ишнинг бошини тутиш ўрнига, уйидан чиқиб кетиб, мақсадсиз тентираб юришни яна одат қилди.**

Шу йилнинг апрель ойида сангиб-сангиб, Ангрен шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маҳаллада жойлашган хонадонларнинг бирини эшигини тақиллатди. Эшикни очган уй соҳибаси Ақида буви остонада нотаниш йигитни кўриб, савол назари билан унга қаради.

– Ассалому алайкум! Йўл юриб жуда чанқадим, ичишга бир пиёла сув беринг, бувижон, – деди Фазлиддин.

Сувни қониб-қониб ичгач, раҳмат айтиб, яна йўлида давом этди. Шаҳар бўйлаб кечгача айланиб юриб, кун қоронғисида ётгани жой қидириб қолди. Қаерга боришни билмай турганида кўз олдига Ақида буви келди. Таваккал деб, яна ўша хонадонга қайтиб борди.

Фазлиддиннинг кўзларини жавдиратиб бир кечага ётишга жой сўраб тургани онахоннинг кўнглини юмшатиб юборди. Раҳми келди, «Вақт алламаҳал бўлганда қаерга ҳам борарди, бечора», деб уни уйига киритди.

Хонадонда Ақида буви ва унинг турмуш ўртоғи Башир бобо яшарди. Кекса чол-кампир меҳмонга ҳурмат-иззат кўрсатишди. Уларнинг бундай муносабати Фазлиддинга жуда ёқиб тушди. Бир кеча тунаш учун рухсат сўраган йигит бир неча кунгача қолиб кетди. Уй ишларида қарияларга ёрдамлашиб юрди.

Фазлиддин бир куни Башир бобо хонасидаги сандиқдан пул олаётганини кўриб қолди. Кўнглида шу пулларга эга чиқиш истаги уйғониб, ҳаловати йўқолди. Бунинг учун қулай фурсат келишини кутди.

Ана шундай кунларнинг бирида, Башир бобо билан Ақида буви томорқада ишлаётган вақтида Фазлиддин сандиқ ичидан 7 миллион 100 минг сўм ва 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ўғирлади. Кейин дўконга бориб келишни баҳона қилиб, уйдан чиқиб кетди.

Осон йўл билан қўлга киритган пуллардан чўнтаги қаппайган Фазлиддин тўппа-тўғри Ангрен шаҳридаги бозорга йўл олди. Бу ердан ўзига ёққан қимматбаҳо кийим-кечаклар сотиб олди. Қолган пулларни эса камбағал оилаларга эҳсон қилишни мақсад қилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиб, уларга тарқатди. Саховат «кўрсатиш» шу билан тугамади. Шаҳар марказий шифохонасига ҳам термос чойнаклари, елим челаклар, супурги, кир совун кабиларни олиб берди.

Шу орада Фазлиддин шаҳардаги «Салия» савдо дўконида сотувчи бўлиб ишловчи Лайло исмли қиз билан танишиб қолди. Ул-бул харид қилиш баҳонасида дўконга тез-тез бориб, қизни яқиндан билишга уринди.

Ниҳоят, «ишга» киришди. Дўконга шошилинч келиб, Лайлога телефонининг қуввати тугаб қолганлигини баҳона қилди ва унинг уяли телефонидан қўнғироқ қилиб олишни сўради. Лайло ҳеч иккиланмай телефонини унга тутқазиб, ўзи нарса олиш учун цехга кириб чиқишини айтиб, ичкарига кириб кетди. Уддабурон йигит фурсатни бой бергиси келмади, кассадан 200 минг сўм нақд пул ва Лайлонинг уяли телефонини олганча кўчага отилди.

Фазлиддин қўлга киритган бу сафарги даромаднинг бир қисмини эҳсон учун ишлатиб, қолганини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлади. Қўлида тайинли пули қолмагач, хаёлида яна кимни чув туширсам, экан деган ўй ғужғон ўйнади.

Шу тобда қўшниси Зуҳра эсига тушди. Дўкондан нон, ёғ, макарон, ош тузи ва шу каби озиқ-овқат маҳсулотларини олиб, уникига борди. Эшикда қўйини-қўнжи тўла турган Фазлиддинни кўрган Зуҳра хижолат чеккандек бўлди.

– Буларни барини эҳсон деб билинг, – деди Фазлиддин бунга жавобан саховатпешалиги тутиб.

Меҳмон шундай деганича мезбондан ишлари ҳал бўлгунча бир неча кун уникида яшаб туришини илтимос қилди. Еган оғиз уялар, дегандек, Зуҳра ноилож рози бўлди.

Фазлиддин бу хонадонни ҳам синчиклаб кузатди. Нима қаерда туришини билиб олгач, ўмариш учун қулай фурсатни кутди. Бир куни Зуҳра кўчага чиқиб кетганида, меҳмонхонадаги шкафдан 100 АҚШ доллари, 300 минг сўм пул, бир дона аёллар тилла тақинчоғи, тўлов пластик карточкаларини олди. Даҳлизга қувват олиши учун қўйиб кетилган уй эгасига тегишли уяли телефон аппаратини ҳам чўнтагига солиб, тезда хонадонни тарк этди.

Бу сафар ҳам «ҳотамтой» ўғирлик йўли билан қўлган киритган пулларнинг бир қисмини яна эҳсон қилиб, қолганини ўзининг шахсий эҳтиёжига сарфлади.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, Фазлиддиннинг барча қилмишлари фош бўлди. Ўғирланган мол-мулкни эҳсон қилиб юрган сохта ҳотамтой Ангрен шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан қўлга олинди...

**Абдумалик АВАЛБЕКОВ,**
**катта лейтенант.**
*Тошкент вилояти.*

# «ЭРКАТОЙ» ЙЎЛОВЧИНИНГ ҒАЛАТИ ТУТУМИ

**Бу дунёнинг ажаб ишлари кўп. Ҳар куни қанчадан-қанча кутилмаган, ажабтовур ҳодисалар содир бўлади. Бирига куласиз, бирини кўриб ўтаётган кунингизга шукур қиласиз. Ана шундай воқеалардан бири яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида рўй берди.**



Соат миллари 12:30ни кўрсатаётган бир пайт. Киракашлик билан шуғулланадиган Олмазор туманида яшовчи Фарҳод Фозилов (исмшарифлар ўзгартирилди) «Матиз» русумли автомашинасида ҳаракатланиб кетаётганида йўл бўйида бир киши қўл кўтариб, уни тўхтатди.

– Ассалому алайкум! Чорсу бозоригача.

– Ўтиринг.

Машинага ўтирган киши бироздан кейин ҳайдовчига юзланиб:

– Ака, мени яна шу ерга қайтариб олиб келиб қўя оласизми? Бозорда ишим бор эди, тезда қирамину чиқаман?

– Майли, тез чиқсангиз, йўл ҳақини икки ҳисса қилиб берсангиз, менга фарқи йўқ.

– Бўлди, гап йўқ, иложи борича тез чиқаман.

Бозорга етиб келишгач, йўловчи онаси сотиб олган нарсаларни олиб чиқишини айтиб ичкарига кириб кетди. Фарҳод ҳам шу баҳонада уйига норин олмоқчи бўлди. Машинаси эшикларини қулфлаб, таомлар бозорига йўл олди.

Фарҳод норин олаётган бир пайтда ҳозиргина онасининг юкларини олиш учун кириб кетган йўловчи осмондан тушгандек унинг олдида пайдо бўлди. Юкларни ортиш учун машинанинг калитларини сўради. Фарҳод иккиланиб туриб, кейин:

– Мана, норинни олайлик, бирга кетаверамиз, – деди.

– Акажон, менга ишонмаяпсизми? Вақтдан ютайлик. Боришим керак бўлган жойга кеч қоламан.

Бу гаплардан кейин Фарҳод унинг гапларига ишониб, автомобиль калитини бериб юборди.

Овқатни олиб, пулини тўлаб бўлгунича орадан 4–5 дақиқа вақт ўтди. Машинаси турган ерга борсаки, «Матиз» жойида йўқ. Буни қарангки, «сирли» йўловчи бироз олдин Фарҳоддан «Онамга телефон қиламан» дея уяли телефонини ҳам сўраб олганди. Машинага қўшиб, Фарҳоднинг телефон аппарати ҳам йўқолганди. У ёнверига қараб, ўтиб кетаётган йўловчини тўхтатди. Вазиятни тушунтириб, қўнғироқ қилиб олиш учун телефонини сўради. Шошганча ўзининг рақамига қўнғироқ қилди. Аммо қўнғироққа жавоб бўлмади.

Чорасиз қолган Фарҳод «102»га қўнғироқ қилиб, вазиятдан огоҳ қилди. Шу вақтда бозор ҳудудида ўз хизмат вазифасини ўтаётган ички ишлар органлари ходимларини кўриб қолиб, уларга ҳам воқеани сўзлаб берди.

Осойишталик посбонлари Фарҳоднинг уяли телефонига яна қўнғироқ қилишди. Хайриятки, бу сафар йўловчи қўнғироққа жавоб берди:

– Сизни яна қанча кутишим керак эди? Машинангизни Ўзбекистон давлат консерваториясининг олдига ташлаб кетаман. Келиб олиб кетарсиз. Узр, ҳозир гаплашишга вақтим йўқ, – у шундай деганча алоқани узди.

Ички ишлар органлари ходимлари зудлик билан айтилган манзилга боришганида, ҳақиқатан ҳам, «Матиз» ўша ерда турган экан.

Шундан сўнг Шайхонтоҳур тумани ИИОФМБ 3-сонли ИИБ ЖҚБ ва ҲПБ ходимлари ҳамкорликда олиб борган қидирув-суриштирув ишлари натижасида ушбу жиноятни содир этган кимсанинг шахсига ойдинлик киритилди. У Самарқанд вилоятида туғилган Ж.Элдор экан.

Ж.Элдорга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Энди у қилмишига яраша қонун олдида жавоб беради.

**Асқаржон НАБИЕВ,**
**Шайхонтоҳур тумани ИИОФМБ ҳузуридаги тергов бўлими терговчиси, лейтенант.**
**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Тошкент шаҳри.*

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

# БЕҲИ ИММУНИТЕТНИ ОШИРАДИ

**Серҳосил кузнинг ажойиб меваларидан бири бўлган беҳи ўзгача таъм ва хушбўй ҳиди билан бошқа мевалардан ажралиб туради. Унинг нок-беҳи, қува беҳи, нон беҳи, ширин беҳи, нордон беҳи каби навлари бор. Беҳи меваси бир қатор фойдали хусусиятларга эга. Таркибида кўплаб антиоксидант моддалари мавжуд, у саратоннинг олдини олади. Бу мева таркибидаги антиоксидантлар тоза аскорбин кислотасидан устун туради. Шунингдек, жуда кўп пектин бирикмалари, фруктоза, глюкоза, калий тузлари, темир, кальций, фосфор ва мис бор.**



**Стоматологияда бундай ёпишқоқ модда глоссит, гингивит, пародонтозни даволашда ишлатилади. Ёпишқоқ моддани беҳи уруғи мағзидаги амигдалин деб номланадиган зарарли модда аралашиб кетмаслиги учун шикастланмаган, бутун уруғлардан тайёрлаш мақсадга мувофиқ.**

Беҳи тушкунликка қарши ва табиий тинчлантирувчи восита ҳисобланади. Шу билан бирга, вирусларга ҳам қарши курашувчи табиий маҳсулотдир. Айниқса, грипп касаллигида самарали натижа беради. Беҳини кўп истеъмол қилган инсонларда кўз ва жигар касалликларига чалиниш ҳолатлари кузатилмайди.

Янги пишган меваси ва ундан тайёрланган шарбатни камқонликда, ич кетиш, қон кетиш билан боғлиқ меъда-ошқозон йўллари касалликларида, пешоб ҳайдовчи восита сифатида ва юрак-қон томир касалликларида истеъмол қилиш тавсия этилади. Уни тайёрлашнинг бир қанча усуллари бор.



* 1 чой қошиқ беҳи уруғига 1 стакан сув солиб 15 дақиқа паст оловда қайнатилади ва 2 соат давомида тиндирилади. Фойдаланишдан аввал сузиб олинади. Бу дамлама колит ва дизентерияда, оғиз бўшлиғи ҳамда томоқ касалликларида, йўталда балғам кўчирувчи табиий восита сифатида буюрилади.

* 1 стакан илиқ сувга 10 грамм беҳи уруғи солиб қайнатилади. Ҳосил бўлган дамлама гастритда, балғам кўчиришда, юқори нафас органлари шамоллашида фойдали. Кунига 3–4 маҳал 1 ошқошиқдан овқатдан ярим соат ўтгач ичилади.

* Сувга беҳи баргларини солиб 15 дақиқа давомида паст оловда қайнатилади. Кейин баргларини олиб ташлаб, тиндирилади. Кунига 3–4 маҳал 2 ошқошиқдан овқатланишдан олдин ичилса, бронхиал астма хуружини енгиллатади.

* Беҳидан тайёрланган шарбат гриппга қарши энг самарали воситалардан биридир. Бунинг учун 4–5 дона беҳи, 200 грамм шакар, лимон ва сув керак бўлади. Беҳи мевалари тозалаб ювилади сўнгра тилим-тилим қилиб кесилади ва сирли идишга солинади. Устидан 3 литр миқдорида қайноқ сув қуйилади. Сўнг 30 дақиқа тиндирилади. Кейин идишдаги сувни тўкиб, устига шакар, яримта лимон ва қайноқ сув солиб, идиш оғзи маҳкам ёпиб, совугунча тиндирилади. Илиқ ҳолида истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

* Бир дона беҳини иккига бўлиб, уруғи тозаланади. Алоҳида идишда 100–150 грамм сув билан аралаштириб, оловга қўйилади. Ўртача оловда қуюқроқ ҳолатга келгунича қайнатилади. Сўнг оловдан олиб совутилади. Қуруқ йўтал ҳамда бронхлар шамоллашида илиқ ҳолатида 1 ошқошиқдан кунига уч маҳал овқатдан олдин ичилади.

Иммунитетни оширишда ҳам беҳига етадиган йўқ. Бунинг учун мевасидан шарбати ажратиб олинади ва таъбга кўра, асал қўшиб истеъмол қилинади.

Беҳи уруғини эзиб, сувга аралаштирилса, елимдек ёпишқоқ модда ҳосил бўлади. У теридаги жароҳат битишини тезлаштиришда, балғам кўчирувчи, йўталга қарши восита (айниқса, болаларда учрайдиган бронхитда)

**Сувга беҳи баргларини солиб 15 дақиқа давомида паст оловда қайнатилади. Кейин баргларини олиб ташлаб, тиндирилади. Кунига 3–4 маҳал 2 ошқошиқдан овқатланишдан олдин ичилса, бронхиал астма хуружини енгиллатади.**

сифатида, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасида ишлатилади.

Стоматологияда бундай ёпишқоқ модда глоссит, гингивит, пародонтозни даволашда ишлатилади. Ёпишқоқ моддани беҳи уруғи мағзидаги амигдалин деб номланадиган зарарли модда аралашиб кетмаслиги учун шикастланмаган, бутун уруғлардан тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

Косметологияда беҳи мевасидан юз териси рангини яхшиловчи, косметологик дори воситаси сифатида фойдаланилади. Унинг шарбати сепкилларни йўқотишда ва ёғли юз терисини тозалашда ёрдам беради. Бунинг учун беҳини қирғичнинг майда тишидан ўтказилади ва шарбати ажратиб олинади. Кунига бир неча марта юзни мана шу шарбат билан артиб, тозаланади.

Беҳи шарбатидан тайёрланган қайнатма эса сочларни мустаҳкамлаб, эрта оқ тушишининг олдини олади. Шунингдек, қора рангли сочга янада чирой бериб, жилвакор кўринишга эга қилади.

Беҳи қанчалик шифобахш мева бўлмасин, баъзи зарарли хусусиятларга ҳам эга. Колит ва ошқозон яраси бор кишиларда беҳи ичак ва юмшоқ қобикда тиқилма ва спазмани келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, плеврит ва қабзиятда беҳи истеъмол қилиш тақиқланади. Меваси майда тук билан қопланганi сабабли, пўстини артмасдан истеъмол қилинса овоз пардаларига ва халқумга зарарли таъсир кўрсатиши мумкин. Беҳининг ўзини еса, организмда тиқилма ва тугунлар пайдо қилади. Ширин ва нордон беҳи шарбатидан бир кунда бир марта истеъмол қилиш миқдори 70 граммдан ошмаслиги керак.



*Кўпчилик ўз томорқасида беҳи дарахтини ўстиради. Хонадон бекалари эса унинг мевасидан мураббо, қиём, жем, мармелад тайёрлашади. Кўпинча паловга босиб пиширишади. Мевасининг қуритилганини уй бурчакларига осиб қўйилса, баҳор фаслигача хона ҳавосини тозалаб, ёқимли ифор таратиб туради.*

**Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**



# Детская страничка

## ТЕМУР И ТАБЛИЦА УМНОЖЕНИЯ

К понедельнику Темуру надо было срочно заболеть.

Не то чтобы он очень любил валяться с градусником. Просто в школе намечалась контрольная по математике, а Темур совсем не знал таблицу умножения. Пока другие ребята зубрили, сколько будет семью семь, Темур часами играл в приставку.

– Я обязательно получу двойку! – то и дело думал Темур, и от одной этой мысли ему становилось нехорошо.

– Этого никак нельзя допустить, – твёрдо решил Темур и направился к холодильнику. Он напился холодного молока, сгрыз горсть льда для коктейлей и, чтоб простыть наверняка, встал под холодный душ.

– Бррр! – поёжился Темур и пошлёпал за градусником: вдруг температура уже повысилась и можно начинать чихать и кашлять? Но коварная простуда не брала Темура.

– Это всё потому, что я слишком закалённый! – догадался он и вышел мокрый на балкон: может, холодный осенний ветер поможет? Но Темур по-прежнему был абсолютно здоров.

– Ну ты и... дурачок, – выпалила сестра, когда Темур ей во всём признался. Темур не обиделся и приготовился слушать: наверняка сестра знает верный способ, как заболеть! Но она почему-то достала учебник математики.

– Ты потратил уйму времени, а вместо этого мог бы выучить таблицу умножения!

И то правда: уже через час Темур знал таблицу назубок. Счастливый, он собрался ложиться спать, чтобы наутро пойти в школу, но... почувствовал озноб и жар.

– Но теперь-то я не хочу болеть! – воскликнул Темур, но было слишком поздно...





## Найди 10 отличий



## Угадай слово






– Бабушка, а почему у тебя такие большие глаза?

– Чтобы лучше тебя видеть!

– А почему у тебя такие большие уши?

– Чтобы лучше тебя слышать!

– А почему такой большой нос?

– Ну, мы же слоны как-никак!

## Правила поведения в школе

С вечера в портфель сложи
Тетради, учебники, карандаши.
Утром ещё раз проверь,—
Готов к занятиям теперь!



Входишь в класс со словом
«здравствуй»
И здоровым будешь сам,
Чтоб чувствовать себя прекрасно,
Желай здоровья по утрам!

Не бойся ошибиться –
Ведь ты пришёл учиться,
Не унывай, не мучайся –
Ведь на ошибках учатся!

«До встречи», «до свидания!»,
Скажи всем на прощание.
Завтра будем мы опять
Улыбкой новый день встречать!



СВЕТЛАЯ ПАМЯТЬ

# Он остался в наших сердцах

**В этом мире были те, кто остался в памяти не только близких и друзей, но и незнакомых людей. Таким был полковник в отставке Мухаммадамин Хуррамов.**



Мухаммадамин Хуррамов родился 31 августа в махалле Дониербек г. Самарканда. После окончания школы он решил исполнить долг перед Отчизной и ушел в армию. Юноша всегда мечтал носить форму, поэтому после завершения срочной службы записался слушателем в Ташкентскую высшую школу МВД, после прослушал курс в учебном центре УВД Самаркандской области. Служебная деятельность М. Хуррамова началась в 1988 году с должности оперативного сотрудника УУР УВД области. С тех пор его жизнь была неразрывно связана с органами внутренних дел, борьбой с преступностью и исполнением священного долга.

Благодаря безупречной интуиции, целеустремленности и умению правильно оценивать ситуацию, он многие годы прослужил на руководящих должностях.

Основные годы службы М. Хуррамова были посвящены работе в исполнительной колонии № 84 Самаркандской области. Он возглавлял ее с 2008 года по 2014-й, вплоть до выхода на заслуженный отдых.

Вся его жизнь – бесконечная преданность выбранному делу и служение людям. Отзывчивый, чуткий и неравнодушный к чужой беде, он всегда протягивал руку помощи нуждающимся, поддерживал не только словом, но и делом. Повседневное общение с этим замечательным человеком дарило позитивное настроение, помогало обогатиться ценным опытом, который наработал Мухаммадамин Нажмиддинович и щедро делился им с сотрудниками, начинающими свой путь.

По словам бывших сослуживцев, Мухаммадамин Нажмиддинович был не просто достойным руководителем, но и понимающим коллегой, надежным соратником. Умел дружить, ладить с людьми. Радовался жизни и учил этому других. Многие самаркандцы до сих пор вспоминают его как человека, к которому можно было обратиться в любое время суток и по любому вопросу.

Дома он был любящим отцом и заботливым супругом. С супругой, Машхурой Турсуновой, воспитали двух сыновей и дочку, которые работают в различных отраслях народного хозяйства. Они подарили им семерых внуков. Он многое дал семье, став надежной опорой родных, оставаясь любящим мужем – примером для детей и внуков.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
*Самаркандская область.*
**Фото из семейного архива.**

# Еще не зима, но...



# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

## (с 30 ноября по 6 декабря)

**Овен.** Вы сумеете завершить массу дел, получить энергию и свежие идеи для разрешения давних проблем. Можно ожидать хороших новостей в финансовом плане. Среда и четверг грозят ссорами с домочадцами из-за ваших завышенных требований. Конец недели принесет перспективное знакомство.

**Телец.** В первые дни потребуются большая самоотдача и ответственность. Проявленные вами активность и инициатива будут оценены по достоинству. К концу недели возможны разногласия с деловым партнером, поэтому держите себя в руках. Воскресенье – лучший день для разгрузки и отдыха.

**Близнецы.** В понедельник, благодаря вашей интуиции, будете испытывать большое вдохновение. Следующие два дня станут успешными в бизнесе. В пятницу займитесь разбором отложенных дел. Процесс натолкнет на идеи дополнительного заработка.

**Рак.** Начало зимы подарит отличное настроение. В личной жизни ожидаются перемены к лучшему. В финансовом отношении неделя станет успешной для бизнесменов, фрилансеров и тех, кто ищет дополнительные источники дохода. Покупки в это время будут выгодными.

**Лев.** Вам практически не придется прилагать усилий для решения профессиональных задач. Возросшая интуиция поможет принять верное решение. В середине этого периода рекомендуется обдумывать будущие проекты, бизнесменам желательно составить подробный план действий на ближайшее будущее.

**Дева.** Неоднозначная неделя. Некоторые неприятные события в итоге превратятся в довольно успешные, а обещающие удачу моменты разочаруют несбывшимися ожиданиями. Внимательнее относитесь к рабочим процессам, проверяйте на наличие ошибок. Середина периода обещает встречи с друзьями, приятное общение, а выходные – успех во всех сферах жизни.

**Весы.** Неделя принесет много приятных сюрпризов, даст чувство уверенности в себе. В профессиональной сфере можно ожидать хорошие перемены. В среду и четверг рекомендуется быть осторожнее: возможны травмы. Выходные хороши для составления планов и поиска новых идей.

**Скорпион.** Можете рассчитывать на новые знакомства и обретение полезных связей. В середине недели улучшится финансовое положение, возможно, вернется давний долг. Рекомендуется не реагировать остро на замечания коллег, возможно, они искренне хотят помочь. Выходные обещают хороший отдых.

**Стрелец.** В начале недели стоит следить за словами – излишняя критичность может привести к ссоре с другом. Бизнесменам нежелательно проводить переговоры с деловыми партнерами. Вас ждут повседневные дела и заботы, не перенапрягайтесь физически. В конце недели возможны приятные сюрпризы.

**Козерог.** Время перемен. Займитесь подведением итогов, постарайтесь завершить затянувшиеся дела, наметьте планы на наступающий год. Последний будний день и выходные наиболее благоприятны для спокойного и размеренного отдыха. В эти дни не стоит переутомляться.

**Водолей.** Понедельник и вторник дадут возможность найти новых друзей и обзавестись полезными связями, некоторые найдут новую работу с хорошим окладом. Середина недели потребует активности – неожиданно навалившиеся на работе дела не позволят расслабиться. В конце недели следите за здоровьем, не перенапрягайтесь.

**Рыбы.** В понедельник настроение станет переменчивым, может появиться раздражительность. Середина недели станет отличным временем для встреч с друзьями. Вторая половина периода не предвещает каких-либо событий. В воскресенье возможен упадок сил, следует отдохнуть в спокойной обстановке.

## ҚИШ МАНЗАРАЛАРИ










## ФОРУМ

# БИЗ ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИМИЗ!

**Бугунги кунда ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан, оилавий муаммоларга дуч келаётган аёлларни ҳимоя қилиш энг долзарб масалага айланди. Бу борада жойларда ички ишлар органлари томонидан кўплаб профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир туманида «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – мамлакат тараққиётининг муҳим омили» мавзусида форум ўтказилди.

«Биз зўравонликка қаршимиз!» шиори остида ўтган форумда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси ходимлари ва барча шаҳар-туман ИИБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари, шунингдек, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Форумда мавзу юзасидан турли саҳна кўринишлари намойиш этилди. Хушнаво концерт дастурлари эса тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади. Шунингдек, форум доирасида хотин-қизлар ўртасида спорт мусобақалари ҳам ўтказилиб, ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Назира ТУРДИМУРАТОВА,**
**майор.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

**Суратларда:** *форумдан лавҳалар*










**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
katta leytenant
Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –
Foziljon MAMASHARIPOV
Aziza JANIYEVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo'yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001.
Bank kodi 00420.
ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali.
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4430.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 764 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.